

ТОШКЕНТ ЮМЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 72-73 (6912-6913)
1998 йил 15 сентябрь, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Ўқувчининг вазифаси

Қуёш қизариб ботди ва...
қуёшли тонг отди. Бу тонг ҳам
билим олишга ошиқатган қи-
залоқ кеча такрорлай-такрор-
лай ёд олгани — узбек тилини-
нг сирлари, тилсимларини яна
дилдан утказа бошлади. Бу-
гун, албатта, уқиганларини, ёд
олган ва дилига тукканларини
устозига сузлаб беради. Шу қа-
дар тиниқ ва дона-дона қилиб
сузлайдики, на фақат устози,
балки синфдошлари ҳам унинг
сузлаш санъатига, билганлари-
ни айтиб беришни уддалаш ма-
ҳоратига қойил қолиб жим ўти-
радилар.

Синфда шу қадар жимлик
ҳукмрон буладики, натижада
гапирган сари гапиргинг, уз она
тилинг лаҳжа ва ибораларидан
зукколик билан фойдалангинг
келаверади. Беихтиёр синфдош-
ларинг ҳам сенга қушиллиги,
тилга олганинг-боболаринг,
момоларинг, даҳо ижодкорлар-
ринг ҳаёти ва фаолияти ҳақида

фикр ва мулоҳазалари билан
сузларингга қушиллиги келаве-
ради. Сен эса мутлақ ҳоким —
ИНСОН эканлигингни, суз ай-
тиш, суз билан дилларни забт
этиш қудратига эга зотлигингни
кўз-кўз қилаверасан. Балки
дугонанг сенга журликда шёр
айтиб юборар? Балки кеча соч-
ларингдан тортиб, сени йиғло-
қи деб юрган синфдошнинг (бу-
гун буйлари чузилиб, уйчан бу-
либ қолибди) сенга ҳавас билан
киприк қоқмай қараб турар?..

Ҳа, гапирсанг гапларинг кун.
Чунки узбек тили — бой тил!
Навоий бобомиз минглаб янги
суз билан ашғор битган. Биз
эса уша сузларнинг айтайлик
400 тачасини ишлатар эканмиз.
Ҳатто, карандаш — қора тош
деган сузимиздан келиб чиққан
булса-да биз русча «қалам» де-

гани — бу, — деб юраверибмиз.
Мактабинг номи — Суфизо-
да. Собир Раҳимов туманидаги
нега айнан бу мактабга
Суфизода номини қўйишган?
Бу ҳақда ҳам мароқ билан гапи-
риш мумкин.

Бунинг учун уз тилингни, уз
лугатингни яна ҳам яхши-урга-

нишинг, қайта-қайта машқ
қилишинг, фикрларингни тур-
ри ифодалаш учун сузнинг дуру
гавҳарларини излашинг дар-
кор...

Еттинчи синф ўқувчиси Нар-
гиза Азизова ниҳоят мактабга
етиб келди ва ўзи хоҳлаб, ўзи
қўл кутариб, утилган мавзулар-


Мунаввар тонглар шуъласи

ни сузлай кетди. Шу кунни уни-
нг «беш» баҳо олгани
аниқ. «Беш»и ҳамиша
унинг узиникидай, жимгина қа-
бул қилгани ҳам...

Аммо 6 «В» синф ўқувчиси
Фарҳод Зияев эса қувончини
фақат уртоқларига эмас, балки
«беш» қўйган устозига ҳам юқ-
тира олди. Муҳаббат опа Мир-
валиева «на фақат мактабни
соғинибсан, Фарҳод, беш ба-
ҳоларни ҳам соғинибсан-а?» де-
са мактабга «5» учун чиқаман-
да. Уйимиздагилар ҳамиша ҳар
нарсадан нимадир яхши нарса
олишни кўзлаб тур. Шунда ях-
ши инсон буласан, дейишади.
Мактабимнинг яхши нарсаси
— мени мактаб, «беш» қўйи-
шидадир», — деб жавоб берди.

Ҳа, ўқувчиларнинг асосий ва-
зифаси — уқиш. Уз вазифасини
қандай уддалаётгани — олаёт-
ган уз баҳоларида билинади.

Умида МУРОД қизи.
Равиль АЛЪБЕКОВ
суратга олди



АЪЛОЧИЛАР АНЖУМАНИ

Аҳмад ҳам, Анвару Алишер ҳам «ким булмоқ-
чисан?» деган саволга биринчи синфда ўқиётган
пайтларидаёқ «Тошкент автомо-
бил йуллари институтига кириб
машиналар духтири буламан», дер-
ди. Чизгани — машина, йиққани
— машина эди уларнинг. Энди
буйлари чузилиб, лицей ўқувчи-
си булган Аҳмаднинг ҳам, Анвару
Алишернинг ҳам оғзи қулоғида. Ҳа, ҳурсандлиги-
дан, ҳаяжонидан. Чунки улар узлари орзу қилади-
ган «Янги маърифат шароитида яшаш ва ўқиш»
мавзуида айнан шу олийгоҳда утказилган аълочи-
лар анжуманида қатнашишди-да! Анжуманда Уз-
бекистон Республикаси олий ва урта махсус таъ-
лим вазири академик С. Ғуломов аълочилиқнинг
афзал томонлари ҳақида гапириб берди. Мамлака-
тимизнинг жаҳон миқёсида мавқеини ошишида
билмдон, зукко талабаларнинг урни катталигини
ўқтирди. Ўзбекистон Республикаси энергетика ва
электрлаштириш вазирининг биринчи уринбоса-
ри Г. Толмачев, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси
раисининг биринчи уринбосари А. Аҳме-
дов, «Узавтотранс» корпорацияси раиси Қ. Сидик-
назаров аълочилиқ маъсулияти — ватанни севиш-
да, ватанга содиқ фарзанд булишда, унинг шара-
фи эса — чин инсонийликда, — дейишди.

Аҳмад ҳам, Анвар ҳам, Алишер ҳам албатта чин
инсон булишади. Аълочилиги, жамоатчилиги, иш-

билармону ишчанлиги билан. Катта орзу йулида
турган Сиз болалар ҳам олга илгариландан бушаш-
манг. Машина шифокори булиш учун ҳам, инсону
табиат ва жамият шифокорлари булиш учун ҳам
ҳамиша замон илмларини эгаллаб олга илгарилаш
керак. Узингизни ҳам, узлигингизни ҳам ана шунда
кашф этиб бораверасиз.

Шерзод АБДУАЗИМОВ БИЗНИНГ МАКТАБ

Хуш хабарлардан хушнудмиз

Бизнинг мактаб курса кургудек:
1265 ўқувчи ўқийдиган еруғ синф хоналари, спорт
заллари, безатилган йулаклар, куркам ҳовли, уйин
майдончалари... Мактабимизнинг очилиш кунини
Тошкент шаҳар ХТББ бошлиғи Ҳамидулла Йўлдо-
шев сузга чиқиб, уз мактабингизни уз уйингиздек
асранг, — дедилар. Чунки бу мактаб сизга на фақат
сабоқ беради, балки дидингиз, онгингиз, шуурин-
гизга ҳам озодалиги, чиройли ва замонавийлиги
билан таъсирини утказди!

Туманимиз ҳокими Ш. Паҳрулдинов бизга мак-
таб қуриб берган 169 — трестнинг 70—қурилиш
қурувчиларига раҳмат деб, мактаб ўқувчиларининг
эртасидан катта умидлар қилаётганини айтди.

Ҳа, биз ҳам ҳоким бобо сузларини ерда қолдир-
маймиз. Мактабимиз очилишида иштироқ этган
ота-оналаримиз, маҳалла раҳбарлари гувоҳлигида
қўлларимизда гул, қалбимизда гурур билан келажак
сари, ёрқин, алвон кунларимиз томон шаҳдам одим-
лар билан синф хоналарига тарқалдик.

Сайидгани САЙИДВАЛИЕВ
Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳаси

Исроил давлати
Президенти Эзер
Вейцман ва Бош вази-
ри Бенямин Нетаняху
таклифига биноан Ўз-
бекистон Республика-
си Президенти Ислам
Каримов 14-16 сентя-
брь кунлари давлат
ташрифи билан Ис-
роилда бўлади. Юрт-
бошимиз ташриф ол-
дидан Исроил ахборот

маркази директори
Олег Ёкубовни қабул
қилди.

Шу ҳафтада Фран-
циянинг Суэз Лионез»
дез О» компанияси гу-
руҳлари назорат кен-
гашининг раиси Жером
Моно бошчилигидаги де-
легация аъзолари ҳам
юртбошимиз қабулида
бўлди.



«Алпомиш» дostonи
тарих мулки. Боболар —
момолар босиб ўтган йў-
ли. Фарғона вилоятида

ўтказилаётган «Алпо-
миш ўйинлари» фес-
тивали янги номлар-
ни, пахлавон-полвон-
лари элга танитди.

«Ковун сайли» «Гул
сайли».. Куз тўкинли-
ги, гулбахор жилоси, ёз
неъматлари, кумуш қиш-
нинг жозибаси... Фасл-
лар армуғон этган шод-
ликларни халқ биргалик-

да баҳам кўрса ҳаётга,
эртанги кунга, фаро-
вонлик-тинчликка ме-
хр кўяверади. Гулис-
тонда ўтказилган ти-
лими тилни ёрар қо-
вунлар байрами ши-
ринхўрларга ҳам, ши-
ринпазу ширин-
тойларга ҳам бирдек
ёқди. Вилоятнинг тўқ-
қиз тумани етиштир-
ган қовунлар ўз баҳо-
си, ўз қадрини топди.



Яқиндагина юртимиз мустақиллигининг 7 йиллик туйини катта тантаналар билан нишонладик. Боболаримиз бежиз 7 рақамга илоҳий тус беришмаган: Дунёнинг етти муъжизаси, етти иқлим, етти авлод,

камалакнинг етти хил жилоси каби...

Денов шаҳридаги 1-гимназияда ҳам улкамизнинг 7 йиллик

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Атроф муҳитни, табиат бойликларини, усимлик ва ҳайвонат дунёсини муҳофаза қилиш энг долзарб вазифалардан бири. Бу борада турли кечалар ва илмий амалий анжуманлар ҳам утказиш анъанага айланиб бормоқда.

Яқинда Юқори Чирчиқ туман марказий кутубхонасида «Табиат дунёси-гузаллик дунёси» деб номланган илмий амалий анжуман бўлди.

Туман марказий кутубхонаси ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш кумитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлимлари ҳам-

туйи бу сафар яна-да узгачароқ ҳаяжон-у таассуротларга бой бўлди. Гуллари қийғос очилган мактаб боғига уша кунни отаналар, уруш ва меҳнат фаришлари, кексалик гаштини сураётган устозлар таклиф қилиниб, уларга гимназиянинг «гулгунчалари-ю» «булбулча»лари тайёрлаган байрам дастури на-

мойиш этилди. Ватан мадҳияси билан бошланган файзли кечада Она-юртни улугловчи куй-қўшиқлар янгради, чиройли рақслар ижро этилди. Гимназия қошида ташкил этилган «Гунча» қўғирчоқ театри томошаларига «Булбулча» хор жамоасининг театрлаштирилган саҳна курунишлари ула-ниб кетди.

— Болаларим, покиза қалбингизда, шу мурғак вужудингизда Ватан меҳрининг шу қадар жо бўлганлигини кўриб, тўлқинланиб кетдим, — деди Уруш ва меҳнат фариши Эргаш ота Ҳайдаров. — Бу муқаддас туйғу ҳар ерда, ҳар бир ишда Сизнинг йўлдошингиз бўлсин. Илдизи чинордек мустаҳкам, асрлар давомида сайқалланиб келаётган

лик совғалари билан қутлади-лар.

— Гимназиямизни ўз ҳомиёлигига олган Денов шаҳар консерва заводи директори У. Алимов, «Гулнора» хусусий фирмасининг бошлиғи Гулчеҳра опа Ҳайдаровалардан миннатдоримиз, — деди гимназия директор уринбосари, олий тоифали ўқитувчи Башорат Муҳиддинова, — ҳомийларимиз нафақат мана шундай байрам, мусобақаларда, балки таъмирлаш ишлари-ю, хоналарни замонавий жиҳозлар билан таъминлашда, компьютерлаштиришда ҳам бизга моддий ёрдам бериб келмоқдалар. Улар ҳатто аълочиларимизни бу йил «Тонг юлдузи»га обуна қилиб беришмоқчи. Бундай ғамхўрликларга намунали хулқи ва яхши ўқиши билан жавоб бераётган ўқувчиларимиздан келажакда яхши инсонлар етишиб чиқишига ишонаман.

Биз ҳам қалбида юрт ишқи баланд, билимга чанқоқ иқтидорли ўқувчилар-ўқитувчилар жамоасига ижодий омаллар тилаб қайтдик.

Дилрабо ДАВЛАТОВА,
Сурхондарё вилояти,
Денов шаҳри.

ГЎЗАЛЛИК ДУНЁСИ

корликда утказган анжуманда. сув ресурсларини, табиат бойликларини, атмосферавий ҳаво ҳамда бошқа ер остки ва устки бойликларини ҳимоя қилиш борасида фикрлашилди. Табиатга оид қизиқарли савол-жавоблар бўлиб утди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани, Кавардон қишлоғи.



«ЁШ ЭКОЛОГ ҚАЛАМКАШЛАР КЛУБИ»ГА МАРҲАБО

Ўзбекистон ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасида «Ёш эколог қаламкашлар клуби» иш бошлади. Клуб аъзолари давримизнинг долзарб муаммоси булган экология мавзусида қалам тебратиш орзусида булган иқтидорли ёшлардан иборат.

«Ёш эколог қаламкашлар клуби»га 5—11-синф мактаб ўқувчилари, хунар-техника билим юртлари, академик лицей талабалари аъзо бўлишлари мумкин.

Клубнинг сиртки бўлимига Республикамиз вилоятлари, туман ва шаҳарларида яшовчи барча ёшлар хат орқали боғланиб аъзоликка қабул қилиниши кузда тутилган. Сиртки клуб аъзолари учун машғулотлар хат орқали савол-жавоб тарзида олиб борилади. Улар йилда икки марта ёш эколог қаламкашларнинг Республика семинар-кенгашига таклиф этиладилар.

Клуб аъзолари ҳафтада бир марта машғулотга тушганиша-

ди. Уларга таниқли олим, ёзувчи ва публицистлар сабоқ беришади. Дадахон Нурий, Муҳаммадали Қўшмоқ, Пирмат Шермухаммедов, Амирқул Карим, Иулдош Эшбек ва бошқа таниқли ижодкорлар ёшларни адабиёт сир-асрорларидан хабардор қилишади.

Клубга экологияга қизиқувчи ва келгусида ижодкор бўлишни орзу қилган ҳар бир ўқувчи аъзо бўлиши мумкин. Бунинг учун Шайхонтоҳур тумани Хуршид кўчаси 258-уйда жойлашган «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасига мурожаат этиши лозим. Тел: 41-27-23. Мажмуада ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

«Ёш эколог қаламкашлар клуби»га марҳабо, азиз-ёшлар!
Ҳасан ЖАЛОЛОВ,
Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси директор уринбосари.

ТЎҒРИ ИШ

Гулноза бу йил 206-мактабнинг 1-лицей синфига ўқишга чиқди. Айтишича, мактаб унга жуда-жуда ёқибди. Бир қанча қизлар билан душлашибди.

Кеча у билан бирга мактабга бориб келадиган дугонаси (унинг исмини атайлаб айтмаяпман) бир гапни секингина сир қилиб айтибди.

— Гулноза, бугун иккала-миз бирон егулик оламиз. Қарагин, менда 25 сўм пул бор. 25 сўм пулни кўрган синглим кўрқиб кетибди ва:

— Ким берди? Қасрдан олдинг? — деб сурабди.

— Ойижонимнинг пуллари кўп экан. Секингина биттасини олиб қўйдим.

— Вой, жудаям ёмон иш қилибсан-ку. Агар ойингдан сураганингда ўзлари берардилар. Энди улардан албатта кечирим сураб пулни қайтариб бер, — дебди сингилжоним Гулноза.

— Йўқ, қандай айтаман. Хафа бўлиб қоладилар, — деб эътироз билдирибди дугонаси.

Хуллас, Гулноза синглим, «агар айтмасанг, узим айтиб бераман», дебди.

Уша куниеқ Гулнозани дугонаси чақириб қолди ва: «Худди сен айтгандай қилдим», деди. Буни мен эшитдим у хурсандчилигини яширолмай турган Гулнозадан сурадим. У эса ҳаммасини менга гапириб берди ва «туғри иш қилдимми?» деб суради. Мен эса «жудаям туғри иш қилибсан, менинг ақлигина сингилжоним», дедим-да, юзидан упиб қўйдим.

Шаҳноза МАМАТОХУНОВА,
Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 206-мактаб ўқувчиси.



Эртактлар салтанатидаги мовий денгизда жажжигина олтин балиқча яшар экан. У ёлғиз узи яшагани учунми, жудаям зерикар экан. Чунки, денгиз жониворларининг бари уз тирикчилиги билан овора, балиқлар эса олтин балиқчанинг яқинига ҳам йуламас эканлар. Инсонлар эса фақат ишлари тушганидагина олтин балиқчани эслаб қолишар, иши битгани ҳамоно уни унутиб юборишар экан. Олтин балиқча гоҳ-гоҳида биронта эзма кампир ёки инжиқ маликанинг эркаликларини бажо келтирар, отасининг дардига малҳам қидириб юрган шахзодага ёрдам берар, шу тарзда кунлари утаверар экан.

Бир куни олтин балиқча жудаям зерикибди. Уйлаб-уйлаб, охири эртактлар мамлакатининг шоҳаншоҳи Хаёл Мирзодан маслаҳат сурашга аҳд қилибди. Хаёл Мирзо узининг донолиги билан донг чиқарган, у билмаган сир-асрор йуқ экан эртактлар мамлакатада.

— Эртактлар юртининг мўъжизалариданки зериккан бўлсанг, унда инсонлар хузурига бор, — деб маслаҳат берибди Хаёл Мирзо олтин балиқчага. — Саёҳат қилишинг осон бўлсин учун сени инсон қиёфасига киритиб қўяман. Фақат сеҳрли қобилиятингни тортиб оламан, зеро у фақат эртактлар мамлакатадигина мавжуд бўлиши мумкин.

Хаёл Мирзо унга бир тикилган экан, олтин балиқчанинг боши айланиб, куз олди қоронғилашиб кетибди.

АЖОЙИБ БОЛАЛАР

Олтин балиқча кузини очганида, баланд-баланд биноларни курибди. Қаерландир болакайларнинг қувноқ овози ва мусиқа янграбди.

Салобатли, муҳташам оппоқ бинонинг ҳовлисида бир туда болакайлар тизилиб, қандайдир уйин уйнашаётганмиш. У бундай қарасаки, оппоқ бинонинг пештоқига «Олтин балиқча» деб ёзиб қуйилганмиш. «Қаерга келиб қолдим узи?», деб уйлабди у ҳайратланиб.

— Хўш, болакай, қаердан келиб қолдинг ўзи? — деган овоз эшитилибди ёнгинасидан.

У угирилиб қараса, енида урта ешлардаги чиройли аёл турганмиш.

— Мен эртактлар мамлакатада олтин балиқча эдим, — дебди у. — У ерда жудаям зерикиб кетдим, шунинг учун ҳам саёҳат қилиб юрибман.

— Мен эса «Олтин балиқча» номли санаторий типидаги болалар боқчасининг мудираси Тафиқа Хабироваман, — деб тушунтирибди аёл унинг олтин балиқча эканлигидан заррача ҳам ажабланмай. Чунки, куп китоб уқийдиган одам эртакт-

Болакайлар Бахриддинни ҳам узлари билан тенг билиб, унга уз боқчалари ҳақида гапириб беришибди.

— Менинг укам бор, оти — Шерзод, — деб мақтанибди бижилдоқ Шаҳноза унга. — Эрталаб «Укамниям боқчага олиб кетаман», деб хархаша қиламан, ойим эса уришадилар. Тўғри, укам ҳали ёш-ку, лекин боқчада қандай мазза қилишимизни ойим билмайдилар-да. Биз бу ерда мазза қилиб ўйнаймиз, бадан тарбия

КИЧКИНТОЙ

боқчамиз санатория типидак-ку. Бу ерда тубус, УВЧ қурилмалари, уқалаш муолажаси хонаси, даволоччи физкултура хонаси ва фитобар бор.

— Ҳа, ана шу фитобар менга жудаям ёқади-да, — деб гапга қушилибди Павлик. — Фитобарда Асолат опа турли доривор гиёҳлардан шифобахш ичимликлар тайёрлаб берадилар, биз эса мазза қилиб ичиб оламиз.



нимжон болалар қабул қилинишаркан. Улар дори-дармонлар ва физиотерапия муолажаси ердамида даволанишади, махсус физкултура машғулотлари, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар ва юқори калорияли пархез овқат эса уларнинг тезда кучга кириб, соғлом бўлиб усишлари учун ёрдам беради.


— Болалар бизнинг келажгимиз, — деб тушунтирибди мудира Тафиқа опа Бахриддинга. — Келажгимизнинг соғлом бўлиши эса энг аввало бизга — ота-оналарга боғлиқ.

Шу туфайли ҳам Сирғали туман халқ ташлими бўлими билан бирга М. Қосимов бошчилигидаги «Савдоқурилиш» оталиқ ташкилоти болажонларнинг соғлом бўлиб вояга етишлари учун жон куйдирмоқдалар. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг туман бўлими ҳам бу хайрли ишга ҳисса қўшиб, «Олтин балиқча» боқчасини ўз хомийлигига олган ва дори-дармонлар билан таъминлаб туради.

Шундай қилиб, эртактлар мамлакатидан келган олтин балиқча — Бахриддин энди уз уйини топибди ва Сирғали туманида ташкил этилган санаторий типидаги 564-болалар боқчасига қатнай бошлабди. У боқчада жуда яйраб кун утказа бошлабди, фақат тушда ухлаёлмай қийналар экан. Охири, бунинг ҳам йўлини топибди. У ўзи ухламас-да, ухлаётган уртоқларига чиройли тушлар ҳада қилар экан. Ахир, бу — олтин балиқча учун қийин эмас-да...

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА

ОЛТИН БАЛИҚЧАНИНГ УШАЛГАН ОРЗУСИ



лар мамлаката, унда қандай мўъжизалар юз беришини яхши билади-да. — Қани, юр, боқчамизни бир кўр, балки у сенга ёқиб қолар. Фақат... сен ўзингни олтин балиқча эмас, балки «Бахриддин» деб атай қол. «Бахр» дегани уммонни билдиради, у сенга мовий денгизингни эслатиб туради.

Бу исм олтин балиқчага жуда ёқибди ва шундан кейин узини Бахриддин деб атай бошлабди. У мудира Тафиқа опа билан боқчага кирибди, чунки улар суҳбатлашгунча болакайлар бадан тарбияни тугатишган экан-да.

Бахриддин кичик болалар гуруҳига мураласа, болакайлар кичиккина стулчаларда утириб нонушта кутишаётган экан. У дарров болалар билан танишиб олибди: Мадинабону, Шаҳноза, Хуршид, Азиза, эгизаклар Павлик билан Павлина...

қиламиз, ошпазлар Хуршида опа Мансурова билан Роҳат опа Андарбоевалар пишириб берган ширин-ширин овқатларни еб оламиз.

— Мен боқчага келмасимдан илгари сираям гапирмасдим, — деб тушунтирибди Хуршид. — Чунки, Гулноз опам мактабга кетиб қоларди, мен бир ўзим индамай ўйнардим. Боқчага келиб ўртоқларим билан ўйнаб, тасодифан ҳатто ойимга боқча опамнинг исмини айтиб «Азиза опа», деб юборибман, ойим ҳайратдан қотиб қолдилар. Боқчада-чи, кунора врач Муҳаррам опа бизни текширадилар. Ҳамшира Асолат опа Ўрозбоева доим биз билан. Томоғингни ёки қулоғингни оғриб қолса, дарров даволаб қўядилар. Болаларни даволаш учун боқчада физиотерапия хонаси ташкил этилган, ахир бизнинг

Шоколад ҳам берадилар, ана шуниси зўр-да!

— Боқчамизнинг чиройлигини қара, — дебди оғир-бошиқ Мадинабону. — Ҳамма ёқда гуллар очилган, соя-салқин. Ёзда мазза қилиб бассейнда чўмилиамиз. Мусиқа раҳбаримиз Комила опа Раҳмонбердиева бизга ашула ва рақслар ўргатадилар. Маҳбуба Қаҳҳорова, Дилфуза Мирзаева, Олия Ўроқова, Сайёра Расулова, Дилфуза Икромова, Гулчеҳра Каримова, Камола Умарова ва Ҳалима Убайхўжаева каби меҳрибон тарбиячи опаларимиз бизга кўзқулоқ бўлиб туришади.

Бахриддин болакайлар билан роса мазза қилиб ўйнабди, бассейнда чумилибди, кечқурун эса болаларнинг ота-оналари уларни бирин-сирин олиб кета бошлашибди. У ғамгин бўлиб нима қилишини билмай қолибди. Шунда мудира Тафиқа опа яна унинг жонига оро кирибди.

— Менга қара, Бахриддин, — дебди у. — Сен яхшиси ҳозир уйингга отлан, тунни мовий денгизда ўтказгин. Эрталаб куёш чиқиши билан яна боқчага келгин, болалар билан ўйнайсан. Менимча, эртактлар мамлакатининг йўлини эсдан чиқармаган бўлсанг керак?..

Сирғали туманида ягона булган санаторий типидаги «Олтин балиқча» боқчасига камқувват, тез шамоллайдиган

КИМ ЭДИМУ

Ким бўлдим энди, қайга кетар ёшлигим, кучим, исёнларга, газаб, нафратга, оғриқларга тўладир ичим... Кўпроқ яшаб қўйдим шекилли: ой, кун сайин хотирам — оғир — етти қават осмон тепамда, елкаларим сирқираб оғрир. Ташладими ёки бир умр кўзимга ғам кўлкаларини, фалак, сенда инсоф бўлса ғар, эзма ўлим елкаларини. Ким эдим у ким бўлдим энди, кўриб турар куёш, сув, тупроқ. Кўзларимдан кўра ҳаётни елкаларим кўрибди кўпроқ... 1980

Мен, шубҳасиз, парчаланаман, — Шундай тугар буюк хизматим, кимга кўзим, кимга пешонам, кимга тегар қизиқ қисматим.

Ҳалаёнга тўла вужуддан охир дунё бўладир халос. Ер остига кириб кетарман барча мўмин бандаларга хос.



Бироқ ерда мангу яшайдир кўхна юзим, уйчан кўзларим, — демак, ўлмас бу дунёда ҳеч менинг теран, эзгу сўзларим.

Улар янграб тинмай айланар разолатнинг теваарагида. Мен-чи, мангу кулиб ётарман қулоқ солиб ернинг тагида. 1980

Киролмасди бу уйга ўлим, бўлмасайдик кибри, олғир, бўлмасайдик тошбағир, худбин, агар одам қолмаса ёлғиз.

Кириб кетди қоп-қора шарпа, кириб кетди, у мамнун бўлиб, дарвоза ҳам ланг очик эди, бирор кимса тўсмади йўли.

Мана, охир бирлашиб келдик,

ҳол сурашдик кўз қиримизда... Жабрланган кимсани кўриб, уялмадик бир-биримиздан. 1982

АНОРА ҚАСИДА
Тутилган ой, қадимги фанорсан, анор. Ёқут тўла қил-қизил қанорсан, анор.

Шавкат РАҲМОН

Гоҳо қорол, гоҳида пуштисан, анор. Ернинг қонга бўялган муштисан, анор. 1983

Улим бирлаштирар бегоналарни, одамлар бир ёқдан йиғила келар, бир кўздан тикилар «жабрланган»га, фақат бир юракдан йиғилар келар.

Улим бирлаштирар бепарволарни кибру алдовларнинг ниқобин йиртар, йиртқичмас, душманмас одамга одам, биродар эканин эслатиб кетар. ... Мана, бегоналар, бепарволар йўқ, ниҳоят одамлар биродар — тенгдир.

Улимга бош эгдим, кўрқанимданмас, хурмат қилганимдан бошимни эгдим. 1983



(Боши ўтган сонда)
**БИРИНЧИ МЎЖИЗА
ЎКИ ЁЗ ЧИЛЛАСИДА
ПИШГАН ШОЛИЛАР...**

Ҳа, бу бир афсонага ухшайди. Одатда шולי кеч кузда олтин рангта киради. Биз эса 25 июлда бошоқлаган шולי пайкаллари ни куриб, хангу-манг булиб қолдик. Аввалига кеч экилган арпами деб уйладик.

— Йук, бу шולי, — деди Машариб ака, — «Авангард» нави. Худо хоҳласа мустақиллик кунида шундан ош дамлаймиз.

— Ахир бу, қандай қилиб? — дейман кузларимга ишонмай. — Бошқа пайкалларда шוליлар энди майса буляпти. Бу ерда пиша бошлабди.

Сизга айтсам, азиз укувчилар, шולי 150-160 кунда пишади. У ёз чилласида бошоқлаши учун апрель ойида экилиши керак. Апрельда бу ерларда ҳали қишнинг захри кетмаган булади. Ҳаво совуқ, тупроқ ҳарорати ҳам паст булади. Аммо қаловини топган, қорни ёндиради, деганлари рост экан. Деҳқонлар шולי уругини 8 апрелда экидилар ва устига пленка тортидилар. Пленка аввало тупроқдаги намликни сақлади, қолаверса, тупроқни 12 даражагача қиздириб берди. Шולי майсалари ниш уриб, кузга курингач, пленка йиғиб олиниб, сув бостирилди. Энди бундан бугундаги майсаларни баҳорги совуқлардан асраш ва ҳароратни

муътадил ушлаб туриш, сувнинг ихтиёрига утади. Қарабсизки, август ойида пахтадан олдин шולי пишиб турибди-да.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридан бошқариладиган кечаги тузумда деҳқонлар бундай ишларга қул уролмас эдилар. Янгиликлар, мўжизалар яратолмас эдилар. Истиқлол эса ерни деҳқонга, деҳқонга эса эркини қайтариб берди.

**ИККИНЧИ МЎЖИЗА
ЎКИ ҚИРҚ КУНДА
ЧЎМИЧНИ ҲАМ ҚОЗОННИ
ҲАМ МОЙ ҚИЛАДИГАН
ЎСИМЛИК**

Кечагина бугундан бушанг даладарда яшил майсалар

шамолда тулқин-тулқин булиб чайқалади. Шолимикан десак, пайкалда йилтиллаган сув йук. Кузги бугун десак, ҳали экишга эрта. Жухори десак, майсаси ухшамайди, нафис ва нозик...

Савол назари билан Машариб акага қараймиз.

— Танимадинларми?

— Йук, чорвага озуқа учун экилган булса керак.

— Зигир ошини еганмисизлар?

— Э-э-э... зигир деганлари шуми? Вой жонивор...

Камина зигир ҳақида куп эшитган эдим, майсасини курмаган эдим. Кексаларимиз Наврузда ерга қуш тушганда хукизлар шоҳини зигир билан егланлар. Хос полвонлар фақат зигирнинг ошини еганлар. Зигир ёгдан тайёрланган таом меҳмоннинг иззати булган. «Қозонни сувга ташламай десанг — зигир эк!» «Зигир эккан деҳқон бой булади» деган гаплар ҳам бор.

Етмиш йил давомида ота-болларимиз минг йиллар мобайнида тушлаган деҳқончилик тажрибалари йук қилинди. Пахта, пахта дея одамлар пахтаинг қулига айландилар. Пахта каби юртни бой, дастурхонларни тукин қиладиган бошқа экинлар эктирилмади. Натижада бугуннинг ажойиб қайроқи, баҳори навлари: оқ жухори, гуруч жухори, бодроқ жухорилар йук булиб кетди. Уларни парвариш қилиш билан боғлиқ маданият ҳам унутилди. Шунинг учун ҳам биз зигирнинг майсасини танимай турган эдик.

Зигир шундай усимликки, ерга тушган кундан бошлаб қирқ

Истиқлол бекатлари

нерни мўлжаллаяпмиз!

Ана, курдингизми, азиз укувчим, бизга яна утмишимиз панд бериб қолди. Чунки биз озуқа учун фақат ҳашаки лавлаги экилишини билардик. Қанд лавлаги экилмас эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида қанд лавлаги экигани, одамлар уни овқат урнида егани ва ундан шакар олинганини кексалардан эшитганимиз бор. Демак, бу усимлик халқнинг энг оғир дамларида кунига яраган. Кейинчалик эса унутилган. Шакар заводлари бузиб ташланган.

— Бундан чиқди хужалигин-

ни? Ҳисоблаб куринг, қишлоқнингизда мингта хонадон бор. Бир килодан булса, минг кило! Ана энди бу рақамни бутун улкамиз миқёсида чамалаб куринг. Жаннатмакон улкамизда эрта баҳордан то кеч кузгача мевалар, сабзавотлар пишиб етади-а? Уйлаб курилса еганимиздан исрофимиз купроққа ухшайди.

— Исроф ёмон, — дейдилар Машариб ака, — ҳа жуда ёмон, юртни қашшоқ қилиб, абгор қиладиган нарса шу исрофдир. Бир хил ҳайвон булади, олдига барра ут ташласанг, оёғи тагига олади. Бундай ҳайвон семирмайди ҳам, челақ-челақ сут ҳам бермайди. Хонадонни хароб қилади. Исрофнинг куринишлари минг хил. Бироқ натижаси битта — қашшоқлик...

Албатта, бундай пурмаёно сузларни иршод қилган одам Исроф қилмасликнинг бирон бир афзалроқ йулини топган булсалар керак, деган уй хаёлимиздан утади. Аммо бунинг учун нима қилиш керак, деган саволдан узимизни тиямиз. Ҳа, шошмаймиз. Узи бирон бир ердан уч бериб қолишини кутамиз.

Дарҳақиқат, меваларни қоқи қиладиган цехга кирганда бунга иқрор булдик. Бу ердаги замонавий тандирларда уриклар туршак қилинаётган экан.

— Бу ерда фақат урик куритиладими? — сураймиз Баҳодиржон исмили йигитдан.

— Нимага энди, нимани куритиш керак булса куритавера-миз, печларимиз шунақа — универсал.

— Масалан, олма, шафтоли, қовун, нок, олчаларниямми?

— Пиёзни қирқ кокил қилиб туғраб беринг, унияж куритамиз...

Шу пайт ичкарига катта патнисларда макарон куртариб киришди. У ҳозиргина пичоқ тагидан чиққан — ҳамир ҳолатида эди.

— Мана қушни цехнинг макаронларини ҳам куритиб берамиз...

Маълум булдики, узоққа олиб бориб булмайдиган, тез бузиладиган мева ва сабзавотлар учун кичик цех курилган. Ахир, қишлоқ Урганчдан қирқ километр, туман марказидан йигирма километр олисда. Бунча жойга ҳамма ҳам мевани элтиб сота олмайди. Уз-узидан исроф булади. Цехда нафақат хужаликнинг, балки аҳолининг ҳам мевалари бажонидил куритилиб берилар экан.

— Офтобда куритилган билан, цехда куритилганнинг фарқи борми? — сураймиз Баҳодиржондан.

— Фарқи бор, офтобда куритилган меваларнинг купчилиги куртлайди. Узоқ сақлаб булмайди.

— Сизлар дориласизларми?

— Йук.

— Унда сиринимала?

Одатда пашша мевага куритилгунча тухум қуйиб улгуради. Офтобда тухуми улмайди. Қуёш ҳарорати жуда нари борса 50, 55 даражага етади-да. Биз эса 90 даражагача қиздираемиз. Тухумлар улиб, куритилган мевалар йиллаб сархил тураверади.

— Ҳа, унақасигаям, бунақасигаям исрофнинг олди олинар экан-да!

— Худди шундай!

(Давоми бор)

«БОҒОТ» БОҒЛАРИДА БАҲОР...

(очерк)

Эркин МАЛИКОВ

кунда пишади ва қирқ биринчи кунни ёғ булиб, қозонга тушади. Ёғлиқлиги жиҳатдан ҳар қандай оиладошини орқанда қолдиради. Бир килодан 550 грамм ёғ тушади. Шифобахшлигининг узи бир дунё. Унинг тез пишиши ва барокатлиги учун ҳам хукизлар мугузига суртишган. Шифобахшлиги учун ҳам у билан нозик меҳмону, полвонларни сийлашган.

Машариб аканинг орзуси хужалик болаларини зигир ёғи билан боқиш. Уларни полвон қилиб, соғлигини мустаҳкамлаш. Бунинг учун ёғ чиқарадиган кичик заводчасини ҳам куриб қуйганлар. Бир кунда 200 литргача ёғ чиқариб, аҳолига тарқатамиз, дейди, кичик завод мухандиси Йулдош Ражабов.

**УЧИНЧИ МЎЖИЗА
ЎКИ ШАКАРНИНГ
ТУПРОҚДА БИТИШИ**

Куз олдимизда яна бир яшил олам ястанади. Қараб туриб одамнинг кузи дам олади. Япроқлари катта-катта, залворли. Бу экинни таниб турибмиз, чорвага бериладиган лавлаги.

— Йук, буни ҳам таний олмадингиз, — дейдилар бош чайқаб Қаҳрамонимиз, — бу — қанд лавлаги. Ундан шакар олинади. 30 гектар майдонга экканмиз. Гектаридан 660 цент-

гизда шакар заводи ҳам бор эканда, — қувониб кетамиз.

— Кичик завод қурамыз деб, йулга отланиб турганимизда, хушхабар эшитиб қолдик. Хоразмда шакар заводи курилармиш, деган. Ҳа, Туркия билан ҳамкорликда. Илгари бунақа курилишларнинг миш-миши оламни бузарди. Курилиб ишга тушгунча бир йигитнинг умри утарди. Яқиндагина гап булганди, бу йил кузда ишга тушадиган булиб турибди. Завод билан шартнома тузганмиз. Лавлагини уша ёққа тошпираемиз, — деди раис бува кутаринкилик билан.

— Эвазига-чи?

— Эвазига шакар оламиз, албатта.

— Нима учун 30 гектар десам?..

— Ҳа, шунча ер жамоамиз аҳолисини, боғчаларни, шифоналарни, мактабларни ширинлик билан боқади.

Қаранг-а, тупроғида ёғ битса, шакар битса, хуп ҳизир назар қилган юртимиз бор-да!

**ТЎРТИНЧИ МЎЖИЗА
ЎКИ ИСРОФНИНГ
ҚАШШОҚЛИК КЕЛТИРИШИ
ҲАҚИДА**

Биласизларми, бир кунда боғларимизда қанчадан-қанча мевалар исроф булишини, қанчадан-қанча сабзавотлар чириши-

Байрамда айтмаган
Ҳушмик

Тўлан Табассум сўзи
Қаранг, қандай чиройли
Байроқчамиз бор.
Кулиб тургай ҳамиша,
Биздай бахтиёр!

Байроқчанинг яшил, оқ,
Мовий ранги бор.,
Осмониимиз каби у
Тоза, беғубор.

Байроқчада акс этар,
Ватан тимсоли.
Эзгуликдир тилаги,
Каптар мисоли.

Қаранг, қандай чиройли
Байроқчамиз бор
Байрамларда биз билан
Яйрар бахтиёр!



ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ



УШБУ СОНДА:

**„ИҚТИСОДИЁТДАН
САБОҚЛАР“**
конкурси
давом этмоқда.

7-БЕТ

Горчица терини таъсир-
лайди, қон томирларни тез-
роқ кенгайтиради, натижада
қон терининг тегишли жойи-
га қуйилиб келади.

**ГОРЧИЧНИК ҚЎЙИШНИ
БИЛАСИЗМИ?**

8-БЕТ

**БИР БОР ЭКАН,
БИР ЎЎҚ ЭКАН.**

**ПУЛ ДЕГАН
БЎЛГАН ЭКАН...**

9-БЕТ

Одамлар бундан бир неча
аср муқаддам, Ер тек тура-
ди, Куёш, Ой ва юлдузлар
унинг атрофида айланади,
деб ўйлашган.

**НЕГА БИЗ ЕРНИНГ
АЙЛАНИШИНИ СЕЗМАЙМИЗ?**

10-БЕТ


Чунки мина топишга ўрга-
тилган битта дельфиннинг ба-
ҳоси ўртача бир миллион дол-
лар туради. Америкаликлар
шундай қимматбаҳо “ҳарбий
куч”ини ўлим домига юборма-
са керак.


**БОЛТИҚ ДЕНГИЗИГА КЕЛИБ
ҚОЛГАН ДЕЛЬФИН...**

11-БЕТ

ЎЙИҢ МАЙДОҶАСИ

12-БЕТ





ЛИЗИНГ - ИШЛАР ЖАҲОНДА

ЛИЗИНГ КРЕДИТЛАШНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛИ?

Лизинг - бу заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, кўзгалмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартномадир. Бунда товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олинган бўлади ва шу сабабли ижарага берилган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизинг шартномасида банклар ёки лизинг фирмалари ижарага берувчи ҳисобланади.

Лизинг ибораси инглизча "For lease" сўзидан олинган бўлиб, "ижарага олмақ" деган маънони англатади.

Лизинг кредитлаш шакли сифатида жаҳон банк амалиёти учун янгилик эмас. Лизинг типидagi операцияларнинг эрамингача бўлган икки минг йил муқаддам қадимги Вавилонда мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

ҚАНДАЙ ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТЛАРИНИ БИЛАСИЗ?

Йирик халқаро лизинг ташкилотларидан "Эбиклиз"ни ва миллий лизинг ассоциацияларининг Европа федерацияси (Лизюроп)ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. "Эбиклиз" Голландия, Италия, Германия, Австрия, Буюк Британия, Бельгия ва Франция давлатларидаги лизинг компанияларини бирлаштиради. Бу ташкилот кўпчилик ҳолларда халқаро лизинг битимларини амалга оширишда воситачи вазифасини ўтайди.

"Лизюроп" 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 17 та мамлакатнинг 700 та лизинг компаниясини бирлаштиради. Унинг таркибига Австрия, Бельгия, Болгария, Швейцария, Германия, Дания, Испания, Франция, Буюк Британия, Италия, Ирландия, Люксембург, Норвегия, Голландия, Португалия, Швеция, Финляндия давлатлари киради.

АҚШДАГИ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

АҚШда лизинг бойкишиларда пайдо бўла-

ди. Ҳозирги вақтда лизинг ёрдамида амалга ошириладиган жаҳон савдо оборотининг тенг ярми АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШда лизинг юксак суръатларда ривожланишининг муҳим сабабларидан бири инвестициявий солиқ имтиёзи эди. Бунга янги инвестициялар йиғиндисининг 10 фоизигача солиқ йиғиндисидан чиқариб ташланар эди. Масалан, асбоб-ускуналар сотиб олиш харажатлари 100 минг доллар дейлик, солиқ имтиёзи 10%, солиқ йиғиндисидан 10 минг доллар чиқариб ташланади. Лизинг шартномасида солиқ имтиёзи Молия вазирлигининг ички даромадлари бошқармаси томонидан ижара учун ўрнатган қоидаларга мос келган ҳолдагина қўлланилади. Шундай қоидалардан бирига кўра бу лизингнинг давомийлиги 30 йилдан кам бўлади.

БУЮК БРИТАНИЯДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Буюк Британияда лизинг нисбатан кеч, яъни 1970 йилдан кейингина кенг кўламда ривожланди.

1981 йилдан 1986 йилгача ҳукумат корпорацияларидан олинган солиқ 52%дан 35%га пасайган. Шу вақтгача қўллаб келинган 100%ли солиқ имтиёзи (бу имтиёз биринчи йилга нисбатан қўлланиларди) 25%ли имтиёз билан алмаштирилди.

Корпорациялардан олинган солиқ ставкаси пасайтирилиши билан лизингга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзининг ҳам аҳамияти пасайди. Бу эса лизинг ва ускуналар сотиб олиш қийматининг пасайишига олиб келади.

Ҳозирги кунда ҳам солиқ имтиёзларининг маълум қисми сақланиб қолган. Масалан, биринчи йил мобайнида ижара тўловлари солиққа тортилмайди.

ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) буларга аъзо мамлакатларнинг қонунчиликларини ўрганиш ва таққослаш;

б) барча ҳуқуқий, солиқ, молиявий масалаларни ҳал этиш;

с) лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш;

д) лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш.

ФРАНЦИЯДАГИ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАДА?

Францияда 1967 йилда "Локафранс" номи биринчи лизинг компанияси юзга келди. Ҳозирги кунда кенг турдаги товарлар, самолёт ва вертолётлар, ҳисоблаш техникалари, тиббий асбоб-ускуналар, саноат дастгоҳлари ва ҳоказолар лизинг ёрдамида ишлатилмоқда.

Францияда лизинг операцияларининг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1. Лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 1% идан 7% игачани ташкил этади;

2. Ижара тўловлари ойда 1 марта, 3 ойда, 6 ойда ва 1 йилда тўланади;

3. У ерда кўзгалмас мулкларнинг лизинги кенг ривожланган.

Бундай лизинглар, одатда 15-20 йил давом этади. Бу соҳадаги энг

йирик ташкилот СИКО-МИ бўлиб, у акцияли компаниядир. Ҳозирги кунда 10 млн. франкдан ошиқ низоом фондига эга.

GERMANYADA LIZING OPERACIYALARI XUSUSIDA NIMALARNI BILASIZ?

Ҳозирги кунда Германияда кўплаб лизинг компаниялари учрайди. Улардан 57 таси немис лизинг ассоциацияси таркибига киради.

Лизинг соҳасидаги энг йирик ташкилотлардан иккитасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар - "Митфинанц Гимбх" ва "Гефа-лизинг Гимбх".

"Митфинанц Гимбх" 1962 йилда ташкил этилган. Германияда биринчи бўлиб ташкил этилган бу лизинг компаниясининг устав капитални 1 млн. немис маркасини ташкил этади. Ҳозирги вақтда унинг олтита ўзига қарашли компанияси мавжуд.

"Гефа-лизинг Гимбх" 1968 йилда ташкил этилган. Ўзининг ҳозирги кунгача бўлган фаолияти мобайнида, у ўз миқдорларига 3 млрд. немис маркаси миқдордаги ускуналарни ижарага берди.

AVSTRIYADAGI LIZING OPERACIYALARI QANDAY AMALGA OSHIRILADI?

Австрияда ижара-

нинг ўртача муддати лизингга берилаётган предметнинг ишлатилиши муддатига қараб 2 йилдан 15 йилгача бўлган вақтни ташкил этади. Шартнома муддати тугагандан сўнг, ижарачи предметнинг қолган ишлаш муддатига янги лизинг шартномасини тузиши мумкин ёки лизинг предметини сотиб олиш тўғрисидаги музокарани бошлаши лозим. Австрияда лизинг муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

Австрияда лизингнинг ривожлана бошлаганига 25 йил бўлди. Лизингга ҳатто болалар боғчалари ва мактабдан берилади. Австрияда 1984 йилда қабул қилинган янги солиқ қонунига мувофиқ, лизинг беришда солиқ имтиёзлари қўлланилади. Аммо бунинг учун лизинг шартномасининг муддати ускунанинг умумий ишлатилиш муддатининг 40-90%идан ошмаслиги лозим.

Австрияда "Райфанзен лизинг"ни етакчи лизинг фирмалардан бири сифатида миқдор келтириш мумкин.

ITALIYADAGI LIZING OPERACIYALARI TUGRISIDA NIMALAR DEYA OLASIZ?

Италияда биринчи лизинг компанияси 1963 йилда пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда Италияда лизинг ассоциацияси 50 та компанияни ўз ичига олади.

Лизинг бўйича солиқ имтиёзлари жамоат ташкилотлари ва иқтисодиётдаги айрим тармоқларга нисбатан қўлланилади.

Йирик лизинг компанияларидан "Локафит"ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. "Локафит" ер текисловчи машиналарни, қишлоқ хўжалик машиналарини, бош идора (офис)лар учун ускуналарни, компьютерлар, кўзгалмас мулк, транспорт воситалари (самолётлар, кемалар, автомобиллар ва ҳоказолар)ни лизингга беради.

"Локафит"нинг Германия, Франция, АҚШ, Испания, Хитойда қўшма корхоналари мавжуд. Шунингдек, у Югославия ва Венгрия билан лизинг операцияларини амалга оширади.

YAPONIYADAGI LIZING TASHKILOTLARI XUSUSIDA NIMALARNI BILASIZ?

Япония лизинг операциялари ривожланган мамлакат ҳисобланади. Японияда энг йирик лизинг компанияларидан бири "Century

Leasing System" бўлиб, у 1969 йилда ташкил топган. Унинг тўпланган низоом капитали 584 500 000 иенни ташкил этади. Бу компания Гонконгда, Сингапурда, Буюк Британияда ўз филиалларига эга. Битта тижорат банки, битта савдо ва иккита сугурта компанияси "Century Leasing System"нинг акционерлари ҳисобланади.

SHVECIYADA LIZING OPERACIYALARINI AMALGA OSIRISH TARTIBI QANDAY?

Швецияда лизинг операцияларининг ривожини 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. Ўша пайтларда лизингдан кичик ва ўрта компаниялар фойдаланар эди. Гап шундаки, бу пайтда махсус банк қонунчилиги мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир банк ўзининг кўпчилик ссудалари учун таъминланганлик бўлишини талаб этар эди. Лизинг бу ҳолатни енгиллаштирди, чунки бунда кредит берувчи асбоб-ускуналарнинг эгаси ҳисобланади. Дастлабки пайтларда қайта сотиб олиш тўғрисида шартномалар тузиларди, бу шартномаларга кўра асбоб-ускуналар етказиб берувчи корхона ёки миқдор лизинг бўйича ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда, ускуналарни қайта сотиб олиш мажбуриятини бажармаган тақдирда, ускуналарни қайта сотиб олиш мажбуриятини оларди. Ҳозирги кунда бундай қайта сотиб олиш шартномалари Швеция лизинг амалиётида жуда кам қўлланилади. Камдан-кам ҳолларда бу муддат 9 йилгача чўзилиши мумкин.

Испаниядаги лизингнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида нималарни биласиз?

Испанияда ҳозирги вақтда 117 тадан ошиқ лизинг компанияси мавжуд. Шулардан 20 таси мустақил, қолганлари банклар қошидаги компаниялардир. Ижара муддати асосан 3-5 йилни ташкил этади. Лизинг операцияларини амалга ошириш қуйидаги қонуний ҳужжатларда ўз аксини топган:


ISPANIYADAGI LIZINGNING HUKUKIY ASOSLARI TUGRISIDA NIMALARNI BILASIZ?

1. 1977 йилда қабул қилинган лизингнинг мазмунини ҳақидаги декрет;

2. Лизинг операциялари кўзгалмас мулк ҳақидаги 1980 йилда қабул қилинган декрет;

3. Банк муассасаларининг иштироки ҳусусида 1988 йилги қонун.

Ё.АБДУЛЛАЕВ



Тошкентда қад кўтарилган "Халқаро молиявий хизматлар маркази" биноси макетининг фотосурати.



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
700029, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони,
2-уй, 402-хона,
(Музаффар ПИРМАТОВга)

ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

Янги ўқув йилидан бошланган 5-7 - синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" илова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эргашовой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб,

ундан ксероксда нусха кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон қилиб борилади. 3-4 та газетанда берилган топшириқларни тўлаб, 1 та хатжилда юборишингиз ҳам мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;

фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер

Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.



2 - ДАРС

2. ШАХСИЙ ВА УМУМИЙ ЭХТИЁЖЛАР

ШАХСИЙ ЭХТИЁЖЛАР. Кишининг фақат ўзига тегишли эҳтиёжлари - унинг шахсий эҳтиёжларини ташкил қилади.

Шахсий эҳтиёжларга асосан ҳаво, сув, озиқ-овқатлар, иссиқлик ва ёруғликка бўлган эҳтиёжлар билан бир қаторда, кийим-кечак-

ка, уй-жойга, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозларига, маданий-маиший хизмат турларига, билимга, ўзлигини англашга ва қадрлашга, дам олишга, соғлигини сақлашга, тозалikka, спорт билан шуғулланишга, ташқи хавф-хатардан ўзини ҳимоя қилишга бўлган яна бошқа бир қатор эҳтиёжлар киради.

Шахсий эҳтиёжлар ҳар бир кишининг ёши, диди, қизиқишлари, дунёқараши, яшаш тарзи ва шароитига қараб турлича бўлади. Кимдир расм чизишга, кимдир бадий адабиётга ўзида эҳтиёж сезади. Кимдир қариллик гаштини суриб, дам олишга эҳтиёж сезса, кимдир ёшлик даврини бекор ўтказмай тинмай ўқишга, билим олишга эҳтиёж сезади ва ҳоказо.



УМУМИЙ ЭХТИЁЖЛАР. Одам ўзининг ҳамма шахсий эҳтиёжларини яқка ўзи қондириб, бу дунёда танҳо ҳаёт кечири олмайди. Одам - одам билан тирик. Бир-бирлари билан ёнма-ён, биргаликда, ҳамжиҳатликда яшаш - инсонга хос.

Кишиларнинг биргаликда, ёнма-ён ҳаёт кечириши ва фаолият юритиши уларнинг ўз шахсий эҳтиёжларини биргалашиб қондириш имкониятини яратди. Натижада, кўпчилик манфаатларини ифода этувчи, биргалашиб яшашга ва фаолият юритишга хос умумий эҳтиёжлар вужудга келди.

Умумий эҳтиёжлар баъзида ижтимоий эҳтиёжлар, деб ҳам юритилади. Умумий эҳтиёжларни, кимларнинг манфаатларини қамрашига қараб оила, жамoa, ҳудуд, миллат, мамлакат ва умуминсоният эҳтиёжларига бўлиш мумкин.

Оилавий эҳтиёжлар асосан оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжлардан таркиб топиб, умумий бошпана ва рўзғор юритиш, уй буюм ва жиҳозларидан биргаликда фойдаланиш, битта қозондан овқатланиш,

болалар тарбияси, оиладаги кексаларни иззат қилиш, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш каби эҳтиёжларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳар бир мамлакатнинг умумий эҳтиёжларига эса маориф, соғлиқни сақлаш, жамоат транспортдан фойдаланиш, телефон, телеграф, почта каби алоқа тармоқлари, ёнғиндан ва бошқа офатлардан сақланиш, милиция, йўл хавфсизлиги, армия ва давлат бошқаруви каби турли хизмат ва тизимларга бўлган мамлакат фуқароларининг умумий эҳтиёжлари киради.

Ҳар қандай эҳтиёжнинг қондирилиш жараёни инсоннинг яна қатор неъматлар, нарса ва буюмларга бўлган моддий эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Биргина мактабда ўқувчиларнинг билим олишини ташкил қилиш учун мактаб биносидан тортиб, китоб, дафтар, қаламгача бўлган қанчадан-қанча моддий нарса ва буюмлар керак бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хуллас, бугунги кунга келиб инсоннинг қайси эҳтиёжини олманг, унинг қондирилиш жараёни асосида қандайдир моддий нарсаларга бўлган эҳтиёж ётади. Бу моддий нарсалар деярли табиатда тайёр ҳолда учрамайди, уларнинг ҳаммасини инсон ўз қўллари билан, ақлаковатини ишга солиб яратишга мажбур. Бу эса ўз навбатида инсоннинг яна бир муҳим эҳтиёжи - меҳнат қилиш заруриятини келтириб чиқарди.



2 - ТОПШИРИҚ

ШАХСИЙ ВА УМУМИЙ ЭХТИЁЖЛАР

1. Ҳар бир ўқувчига тааллуқли бешта шахсий эҳтиёжларга мисоллар келтиринг.

Жавоб:

- _____
- _____
- _____
- _____
- _____

2. Бутун бир мамлакат (масалан Ўзбекистон) аҳолисига тааллуқли умумий эҳтиёжларга учта мисол келтиринг.

Жавоб:

- _____
- _____
- _____

3. Тўғрисини топинг.

Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсида футбол тўпига бўлган эҳтиёжи

- А) ҳам моддий, ҳам маънавий
- В) ҳам шахсий, ҳам умумий
- С) ҳам моддий, ҳам умумий
- Д) ҳам умумий, ҳам маънавий
- Е) ҳам шахсий, ҳам маънавий

эҳтиёж ҳисобланади.

4. Жадвалнинг биринчи устунда келтирилган тизимларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда қайси касб эгалари хизматидан фойдаланилади.

Тизимлар	Кимлар хизмати натижасида қондирилади?
Таълим	
Жамоат транспорти	
Тартибни сақлаш	
Алоқа	
Соғлиқни сақлаш	
Ёнғиндан сақланиш	

5. Ер юзи аҳолисига тааллуқли умуминсоний эҳтиёжларга иккита мисол келтиринг.

Жавоб:

- _____
- _____

6. Тўғрисини топинг.

- А) Зилоланинг билим олишга
- В) Мактаб ўқувчиларининг билим олишга
- С) Талабаларнинг билим олишга
- Д) Аҳолининг таълим тизимида

... эҳтиёжи умумий эҳтиёж бўлади.

7. Қуйида рўйхатда келтирилган касб эгаларидан қайсилари шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади? Тагига чизинг:

сартарош, тикувчи, ўқитувчи, ДАН ходими, сувчи, милиционер, врач, зоотехник, ошпаз, этикдўз.

8. Аҳолининг соғлиқни сақлаш тизимида бўлган ижтимоий эҳтиёжи бошқа қандай моддий нарсаларга эҳтиёжлар келтириб чиқаради?

Жавоб:

- _____
- _____
- _____
- _____
- _____
- _____

Исм-шарифингиз _____

Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____



МУЗ ЁРДАМИДА ОЛОВ ЁҚИШЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Агар ёниб турган гулханга муз ташланганда, у ўчади. Бироқ, муз ёрдамида ўт ёқиш ҳам мумкин. Ахир алпинистлар, музликларда яшовчилар бу усулдан тез-тез фойдаланишади. Қандай қилиб, дейсизми? Эшитинг:

Агар муздан бўртма ойна ёки икки ёқлама ботик линза ясалса, бу муз ёрдамида ўт ёқиш жуда осон. Мариотт исми киши илк бор муздан бўртма ойна ясаган. Бу ойнага тушган қуёш нури акс этишида кучсизланиш ҳолати рўй бермайди ва ойнага тушиб қайтган нур порохни бемалол ёндиради. Шу тариқа гугурт йўқ вақтларда ҳам олов ёқиб кун кўриш мумкин.

ОФТОБ СОЯСИ

Дарахтлар орасида турли ўлчамдаги ёруғлик сояларини кўриш мумкин. Бироқ бу сояларнинг ҳаммаси ҳам эллипс шаклида эканига эътибор берганмисиз? Дарахт шохчалари ва барглари орасидаги масофа турлича бўлса-да, улар орасига қарасангиз офтоб сояси бир хил кўринишда бўлиши ғалати эмасми?

Чиндан ҳам ёруғлик соялари нега бир хил шаклда бўлади?

Фан буни камерада предметлар тасвири пайдо бўлишига оид физик қонунийят билан изоҳлайди. Ёруғлиги сояси ҳаммаша тўғри акс этишига сабаб, бу ҳолатда сояси тушаётган манба айнан қуёшнинг ўзи эмаслиги. Шохлар ва барглари орасидан қуёш тасвирини кузатиш мумкинлиги худди камера - обскурдан экранга буюмлар акси тушганидек физик ҳолатдир.

ОЗУҚА ЗАНЖИРИ

Ҳамма жониворлар ўзи учун керакли озуқа қувват олиш учун бирор ўсимлик ёки жониворни еб кун кўради. Ўсимликлар билан озиқланувчи жониворлар ўтхўрлар деб юритилади. Ўз навбатида ўтхўрлар гўштхўрлар учун ем бўлади. Гўштхўрларни вахшийлар деб аталади. Майда-бўлади. Гўштхўрларни вахшийлар деб аталади. Майда-бўлади. Мана шу жараён озуқа занжири деб юритилади. Бу жараёнда ем бўлган жониворнинг энергияси еган жониворга ўтиб боради. Бошқа бирор жониворни ейишга чоғланган жонивор овчи вазифасини ўтайди. Ем бўлгани эса ўлжа деб юритилади.

ОЙНИНГ ШАКЛИ НЕГА ЎЗГАРАДИ?

Ойнинг Қуёшга қараган томони доимо ёруғ кўриниб туради. Ой Ер атрофида айланиб тургани учун биз унинг бу юзасидаги турли қисмларини кўра оламиз. Сизга маълумки, Ой тахминан бир ойда Ер атрофида айланиб чиқади. Берилаётган расмнинг ўрта қаторида Ер атрофида айланаётган ойнинг 5 хил ҳолати тасвирланган. Биринчи қатордаги 5 хил ҳолати тасвирланган. Биринчи қатордаги суратларда эса Ойнинг ердан кўриниши тасвирланган.

Биласизми?

ҚҲНҒИЗ

Илм - фанга маълум жами жониворларнинг учдан бир қисми ҳашаротлардир. Ҳашаротларнинг учдан бирини эса қўнғизлар ташкил этади.



ҚАЛАМЧА

ОНА-ТИЛИ КИТОБИ

Мен китобман, китобман,
Қондаларга бой офтобман.
Мени ўқир болалар,
Мени танир катталар.

Мени билар олам ҳам,
Гул, ҳуёш-у олам ҳам.
Дер мени "Она тили"
Ҳар кимнинг меҳри дили.

ВАТАН МЕҲРИ

Осмонда би-ир юлдуз порлайди
Унинг исмин билмайман асло.
Нега ҳар дам мени чорлайди
Айта қолгин ўзинг, эй само

Нега доим кўз ёш тўқади,
Айтолмайми, армонларини?
Дардқашликка дардли истайми,
Соча олмай аламларини.

Балки унинг дилида бордур,
Бир мен тушунмаган хиссиёт.
Балки қалбин тўлдирар
Ватанга бўлган муҳаббат.


Балки шунинг учун у йўллар
Бош кўйишига тополмай Ватан
... Узга юртда шох бун юргунча
Ўз юртингда гадо бўлгин сен...
Нафиса МУХАММАДИЕВА,
Самарқанд вилояти,
Челак тумани, 26-мактабнинг
5-синф ўқувчиси.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига: 5. Кредит. 6. Дехқон. 8. Ашула. 9. Тери. 11. "Рено". 12. Маркетинг. 15. Чақа. 16. Амал. 17. Оқила. 19. Меҳнат. 20. Чистон.


Бўйига: 1. Брокер. 2. Дина. 3. Режа. 4. Кошона. 7. Субвенция. 10. Ижара. 11. Рента. 13. Бартер. 14. Баққол. 17. Олам. 18. Атир.

Муаммонома: Тадбиркорлик.



Араб тилида мана бундай ёзилади.

СЎЗЛАРДАН - СЎЗ



Шаклнинг энига йўналишида қуйидаги: кўкат, Кўкча, кокос, кокил, какра сўзларини маълум тартибда ёзинг. Бунда айланаларга ёзилган ҳарфлар бўйича йўналишида ўқилганида яна бир сўз ҳосил бўлсин. Мазкур сўзни қандай таърифлар билан изоҳлаш мумкин?

Фозилжон ОРИПОВ.

ТЕСТ

- Шер вахший ҳайвонми ёки ўтхўрми?
 - Ер юзидаги бирор жонзот йўқолиб кетиш ҳоли нима деб аталади:
 - а) музлаш; б) қирилиб кетиш; в) ўлиш?
 - Қадимги мисрликлар мушукка чўқинишган деган гап тўғрими?
 - Куйида берилган сўзлардан озуқа занжири ҳосил қилинг:
- кўнғиз, фоз, тулки, карам.

ГОРЧИЧНИК ҚҲЙИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Горчица (хантал) муолажалари кўпинча бронхитда, зотилжамда, невралгияда буюрилади. Горчица терини таъсирлайди, қон томирларни тезроқ кенгайтиради, натижада қон терининг тегишли жойига қўйилиб келади. Бу эса яллиғланиш ўчоғининг сўрилиб кетишига, оғриқнинг камайишига имкон беради.

Горчичник терининг шикастланмаган, тирналмаган, тошма тошмаган жойларига қўйилади (горчица билан ўраганда, горчица ваннаси қилганда ҳам бунга эътибор бериш зарур!).

Горчица қўйиш. Дорихоналарда сотиладиган тайёр горчичниклар ёғи олинган горчица уни юпка қилиб суртилган

бир бўлак қалин қоғоздан иборат бўлади. Горчица қоғозга маҳкам ёпишиб турган бўлса, у ишлатиш учун яроқли ҳисобланади. Горчичникларни яхшиси пергамент қоғозга ёки қалин қоғозга ўраб сақлаш лозим. Яроқлилик муддати - саккиз ой.

Горчичникни илиқ сувга хўллаб, кейин терига қўйилади. Сувнинг иссиқлиги 35-40 даражадан ошмаслиги зарур, чунки жуда иссиқ сувда горчицанинг кучи кетиб қолади. Горчичникни хўллагач, горчица суртилган томони билан терига маҳкам ёпиштиринг. Агар тери жуда сезгир бўлса, горчичник тагидан ғовак қоғоз қўйинг, аммо бу мақсадда газета ишлатманг. Горчичникни қўйиб бўлгач, устига сочиқ ёпинг-да, беморни

иссиқ қилиб ўраб қўйинг.

Горчичникни бемор қандай кўтара олишига қараб, уни беш минутдан 15 минутгача тутиб туриш мумкин. Горчичник қўйилгандан кейин бир неча минут ўтгандаёқ бемор иссиқлик сезади, сўнгра тери ачишади, бу ерга қон қўйилиб келгани туфайли тери қизаради. Горчичникни тери жуда оғриқ кетгунча тутиб туриш ярамайди, акс ҳолда тери куйиб қолиши мумкин.

Горчичникни олганингиздан кейин пахтали иссиқ сувга хўллаб, сиқиб ташланг-да, терининг қизарган жойларини артинг, кейин бирор озиқлантирувчи крем ёки вазелин суртинг ва беморни иссиқ қилиб ўраб қўйинг.

Горчичникни ўзингиз тайёрласангиз ҳам бўлади. Бунинг учун бир ош қошиқ қуруқ гор-

чица шунча миқдордаги ун ёки картошка уни билан аралаштирилади ва иссиқ сувда қуюқлиги қаймоқдек қилиб қорилади. Тайёр аралашмани катта-кичиклиги тайёр горчичникдек келадиган газлама ёки қоғозга (8x12 сантиметр), қалинлиги 0,5 сантиметр қилиб суртилади ва шундай материал бўлаги билан ёпилади. Бу горчичник ҳам 5-15 минут тутиб турилади.

Агар горчичник ёш болга учун тайёрланадиган бўлса, бир ош қошиқ горчицага икки ош қошиқ ун қўйилади.

Горчицали ёқа. Юпка газламадан иккита бир хил кенгай ёқа бичилади. Бу курак тепасидан то энсанинг сочили жойигача, шунингдек елка устунини ва кўкракнинг юқори томонини ёпиб туриши керак. Иккала газлама бўлагига горчица массасини суртиб, горчицали

томонини ичига қилиб, бири-бирига ёпилади. Бундай ёқа терига қўйилиб, устидан сочиқ ёпилади ва иссиқ рўмол ўраб қўйилади-да, 8-20 минут тутиб турилади. Муолажадан сўнг терига озиқлантирувчи крем суртиш мумкин.

Горчицадан компресс қилиш. Икки қошиқ қуруқ горчица илиқ сувда эритилади ва яхшилаб аралаштирилади. Аралашма уч қават доқада сузиб олинади. Бир бўлак доқа, бинт ёки ҳар қандай тоза газлама шу эритмада хўлланади ва сал сиқиб олиб, терига ёпилади. Устидан клёнка целлофан ёки мум қоғоз ёпиб, яна рўмол ёки иссиқ газлама ёпиб қўйилади. Шундан кейин бемор кўрпа билан ўриб қўйилади. У горчичника қараганда кучлироқ таъсир қилади.

М. ОРИФЖОНОВА.



БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН. ПУЛ ДЕГАН БЎЛГАН ЭКАН...

Давоми.
Боши ўтган сонда.



Аmmo Сеттига балиқ керак эмас экан. Аллергияси ҳам йўқ. Бироқ норжил (кокос) ёғи унинг жони-дили!



**“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА
МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**

700029.
**Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони,
2-уй, 402-хона.
(Музаффар ПИРМАТОВга)**

Мулоқот учун телефон:
**(371) 139-49-32,
139-16-19.**
Факс: (371) 139-48-23.



НЕГА ТОШЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Кўпчилик ўғил болалар турли шакл ва рангдаги тошларни йиғишади. Ҳар хил ранг ва катталиқда бўлган ҳамда қимматбахо тошларни эслатадиган силлик, ғадир-будур тошлар ҳамманинг ҳам ҳавасини келтиради.

Улар битта ёки бир нечта минералдан таркиб топгани учун ҳам шундай кўринишга эга. Айнан ўша минераллар турли тошларга ҳар хил ранглар беради, айримларини эса қимматбахо тошлардай ярқиратади.

Тошлар турли йўллар билан пайдо бўлган. Айним “чўкинди” тошлар чўкинди жинслардан таркиб топган. Бунинг маъноси шуки, анча вақт бурун сув, шамол, муз, ўсимликлар ва жониворлар фаолияти натижасида чўкиндилар ҳосил бўлган. Чўкиндилар қатлам-қатлам бўлиб борган, шунинг учун ҳам қоялар ва тошлар “қатламли” деб аталади. Қоялар таркиб топган майда зарралар юмалоқ шаклга эга, чунки уларнинг ўткир қирралари сувда оқиши ва шамол



таъсирида думалоқ шаклга эга бўлиб қолган. Қумтош ва оҳактош қатламли тоғ жинслари намунасиدير.

Бошқа қоя жинслари ер остидаги суяқ моддаларнинг юзага чиқиб қотишидан ҳосил бўлган. Улар Ер юзасига чиққанида бошқа тоғ жинсларининг ёриқларига тушиб қолган. Бундай тоғ жинслари “пироген жинслар” ёки вулконлардан ҳосил бўлган жинслар деб аталади.

Қояларнинг учинчи тури дастлаб бошқа шакл ва тузилмага (вулконли ёки қатламли) эга бўлган, аммо температура ёки кучли босим таъсирида ўзгариб кетган. Улар “метаморф жинслар” деб аталади. Уларга мрамор ва кварцитлар кирарди.

Айрим тоғ жинслари таркибида бошқа аралашмалар билан бир қаторда металлларнинг минераллари ҳам учрайди. Агар бундай жинслар таркибидаги минераллар металл ишлаб чиқариш учун етарли бўлса, улар “руда” деб аталади.

ШУДРИНГ НИМА?

Сиз шудринг табиатнинг тушунтириш осон бўлган ҳодисаси, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Ажабланирлики шундаки, одамлар шудринг нима эканини узоқ вақт англай олишмаган. Бу ҳақда жуда кўп китоблар ёзилган.

Аристотель - Арасту замонидан то XVIII асргача одамлар шудринг ҳам ёмғир сингари ёғади, деб ўйлашган. Аммо шудринг ёғмайди. Ўсимлик япроқларидаги биз шудринг деб ўйлайдиган нарса, умуман, шудринг эмас. Демак, ҳатто, биз ҳам бу масалада янглишар эканмиз.

Шудринг нима эканини англаш учун биз ўзимизни ўраб турган ҳаво ҳақида ҳам айрим нарсаларни билиб олишимизга тўғри келади. Ҳавода ҳаммиша маълум миқдорда намлик бор. Иссиқ ҳаво намлиги совуқ ҳавоникига нисбатан юқоридир. Ҳаво совуқ юзага текканда, унинг бир қисми конденсацияланади ва ундаги намлик ўша юзада қолади. Бу шудрингдир.

Бундай салқин бюза температура-си шудринг ҳосил бўладиган маълум кўрсаткичдан паст бўлиши керак. Бу кўрсаткич “шудринг нуқтаси” деб аталади. Масалан, бирор стакан ёки металл идишга сув қуйилгани билан унинг сиртида шудринг ҳосил бўлавермайди. Агар ўша сувга муз солинган тақдирда ҳам идишнинг юзаси маълум бир температурага қадар совимагунча, шудринг ҳосил бўлмайди.

Шудринг табиатда ҳам ҳосил бўлиши мумкинми? Бунинг учун совуқ юзага тегадиган илиқ нам ҳаво зарур. Шудринг иссиқликни узоқ сақлайдиган ерда ёки сўқмоқларда ҳосил бўлмайди. Шу билан биргаликда, у совиган ўт-ўлан ёки ўсимликларда ҳосил бўлади.

Унда нега биз ўсимликларда шудринг пайдо бўлмайди, деб айтдик? Чунки биз тонг чоғи ўсимликларда кузатадиган намликнинг маълум бир қисмигина шудрингдир. Намликнинг асосий қисмини (баъзида бутунлай) ўсимликнинг ўзи чиқаради. Бу намлик япроқларнинг ғовак жойларидан чиқади. Бу ўсимликларнинг ўз япроқларини ер суви билан таъминлаш борасидаги ирригация жараёнининг давомидир. Бу жараён кундузи ўсимликларнинг юқори қисми - япроқларини Куёш жазирамасидан ҳимоя қилиш мақсадида бошланади ва кечаси ҳам давом этади.

Ер шарининг айрим минтақаларида шу даражада кўп шудринг тушадики, у молларни суғориш учун махсус резервуарларга йиғилади.

НЕГА БИЗ ЕРНИНГ
АЙЛАНИШНИ
СЕЗМАЙМИЗ?

Одамлар бундан бир неча аср муқаддам, Ер тек туради, Куёш, Ой ва юлдузлар унинг атрофида айланади, деб ўйлашган. Нега шундай деб ўйлашганини тушуниш унча қийин эмас. Бир қарашда ҳозир ҳам шундай туюлади. Ҳеч ким Ер айланишини сезмаган. Нега Ер айланса, унинг устидаги нарсалар, океанлардаги сувлар тўкилиб, сочилиб кетмайди?

Эндиликда биз Ер икки йўналишда айланаётганини яхши биламиз. У Куёш атрофида айланиши билан бирга ўз ўқи атрофида ҳам айланади. Нега биз буни сезмаймиз, деган саволга келсак, биз ҳам Ер юзаси билан бирга айланамиз. Бизни ва океанлардаги сувларни гравитация, Ернинг тортиш кучи тутиб туради.

Ернинг айланиши биз кузатадиган ва сезадиган кўпгина нарсаларда кўринади. Ер айлангани учун ҳам тун билан кун алмашади. Агар у айланмаганида, унинг Куёшга қараган томонида абадий кундуз, орқа томонида эса абадий тун ҳукм сурган бўлар эди. Ернинг ҳар бир нуқтаси 24 соат ичида дастлаб Куёш нури тушадиган томонда, сўнгра қоронғи томонда бўлади.

Ернинг биз “сезмайдиган”, аммо ҳаётимизни ўзгартирадиган яна бир муҳим ҳаракати Куёш атрофида айланишидир. Айнан шу ҳаракат йил фасллари алмашуви-га сабаб бўлади, теварак-атроф ҳар фаслда ўзгаради. Куёш атрофидаги саёҳат 365,25 кун, яъни бир йил давом этади. Йил эса тарих, ҳар биримизнинг ҳаётимиз ва ҳоказо ўлчовидир.

Фасллар алмашуви Ер ўқининг қиялиги билан боғлиқ. Ер ўқининг эклиптика (Куёшнинг кўз билан кўриш мумкин бўлган йиллик ҳаракати содир бўладиган катта сфера айланаси)га нисбатан қиялиги 66 градусдир. Ҳар бир кутб ярим йил давомида Куёшга, яна ярим йилда эса ундан тескари томонга қиялаган бўлади. Шунинг учун ернинг шимолий қисмига ярим йил давомида Куёш нури кўпроқ, кейинги ярим йилда эса озроқ тушади. Куёш нури кўпроқ тушган вақт ёз, камроқ тушган вақт йилнинг энг совуқ фасллари бўлади.

ЎСИМЛИКЛАР ЎЗИНИ ҚАНДАЙ
ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Ўсимликлар ўзини зараркунандалардан ҳимоя қила оладими? Айримлари ҳимоя қилиши мумкин экан. Американинг тропик ўрмонларида дунёдаги энг ғаройиб ўсимликлардан бири мовий пассифлора - эҳтирос гули ўсади. Унинг гуллари катта-катта ва ғалати тузилишга эга. Бу ўсимликнинг суратлари Янги Дунёдан Европага 1610 йили келиб қолган эди. Колумбнинг ортидан Америкага келган испан миссионерлари (ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб қилиш учун юборилган шахслар) гулнинг айрим жойларида “яратувчининг эҳтирос қуроли”ни кўришади. Унинг лотинча номи

шундан олинган. У гўзал либоси туфайли “кавалер юлдузи” деб аталади.

Бу ғалати гул фақат ботаникларнинг эмас, рассомларнинг ҳам эътиборини ўзига тартиб келади. Унинг тасвири XVII-XIX асрларнинг буюк тасвирий санъат усталари чизган суратларда учрайди.

Аммо энг қизиғи, пассифлора ўзини ёвуз душманлардан ҳимоя қила олади. Бразилиянинг бу ўсимлик ўсади-ган тропикларида капалакларнинг бир тури учрайди. Бу капалаклар фақат мана шу ўсимликнинг нозик новдалари япроғига тухум қўяди. Тухумдан чиққан капалаклар новдани еб битиради. Аммо бир



нечта капалак ҳеч қачон битта новдага тухум қўймайди, чунки улар кўпчилик бўлса, озуқа етмай қолади. Пассифлора бу капалакнинг тухумларига ўхшаш нарса чиқариши ўрганиб олди. Новда япроқларидан махсус фермент томчилари ажралиб чиқади ва кичик майда тухумчаларга ўхшаб қотиб қолади. Алданган капалак новда бандлигини кўриб, бошқа ўсимликка учиб кетади, пассифлора новдаси эса Куёш нурига интилиб ўсаваради. Шундай қилиб, табиатда яшаб қолиши учун кураш абадий давом этаверади.

ШАФАҚНИНГ РАНГИ НЕГА ҚИЗИЛ?

Шафақнинг бетакрор қизиллиги ва товланаётган турфа хил илиқ ранглардан гўзалроқ бир манзарани учратиш қийин. Баъзида бундай манзарага маҳлиё бўлиб, беҳосдан: “Куёшнинг қизарганини қаранг-а”, деб юборганимизни ўзимиз ҳам билмай қоламиз.

Аслида Куёш қизарганини, унинг ранги мутлақо ўзгармаганини ҳаммаиз яхши биламиз. У фақат куннинг маълум бир вақтларида шундай кўринади. Шу билан биргаликда бизнинг кўз ўнгимизда қип-қизариб ботаётган куёш биздан минглаб чақирим Ғарб томондаги киши учун, умуман, қизармайди.

Шафақ рангига Куёш нури ўтаётган ҳаво қатла-


ми таъсир кўрсатади. Куёш уфққа қанчалик оғса, унинг нурлари шунчалик кўп атмосфера қатламларини енгиб ўтиши керак бўлади.

Лекин даставвал Куёш нури ўзида барча рангларни жамулжам этганини эсга олишимиз лозим. Одатда, биз бундай ранглар гулдастасини оқ ранг сифатида тасаввур қиламиз. Аммо атмосферада чанг зарралари, буғлар ва бошқа аралашмалар ҳам бор. Нур атмосфера орқали ўтаётганда, бу зарралар турли рангларни ёйиб юборади. Атмосферада бинафша, кўк ва яшил ранглар қизил ва сариқ рангларга нисбатан яхшироқ ёйилади.

Шунинг учун ҳам, бир шоиримиз айтмоқчи, “Куёш уфққа бош қўйганда”, ранглар ёйилиб кетиши натижасида атмосферада кўпроқ қизил ва сариқ ранглар қолади ҳамда уфқ кўзимизга қизил бўлиб кўринади.

Осмон рангининг мовийлиги ҳам рангларнинг ёйилиб кетиши билан боғлиқ. Бинафша ҳам кўк

ранглар қисқа тўлқинлардан иборат ва улар атмосферада спектрнинг қизил рангдаги тўлқинларига нисбатан ўн баробар тезроқ ёйилади. Бунинг маъноси шуки, қизил нурлар атмосфера орқали ўтади, кўк рангдаги нурлар эса ҳавода сув ва чанг зарралари таъсири билан ёйилиб кетади. Осмонга боққанимизда, айнан ёйилиб кетган ранг унга мовий тус беришини кўраемиз.






ЕР ШАРИДАН УЛКАН БРИЛЛИАНТ

Англияда чиқадиган "Санди Таймс" газетаси ёзишчи, астрономлар янги бир юлдузни кашф этишди. Бу юлдуз нуридан олинган спектраланизи натижаси жуда гаройиб чиққан: унинг таркиби тамоман кристаллашган углевод ва кислороддан иборат экан. Бунақа кристалл нима эканини кимё фанидан фақат "2" баҳо олиб ўқиган одам ҳам жуда яхши билади. У олмос экани ҳаммага аён. Янги топилган юлдуз - "хазина" Ер сайёрасидан ҳам катта. Унинг диаметри - 12800 км. Ўзи она Еримиздан 17 ёруғлик йилича узоқда жойлашган. Бу янги

юлдуз Кентавр юлдузлар гуруҳига мансуб. "Бриллиант юлдуз" жисмидан олинган бир чой қошиқ масса оғирлиги 1 тонна келади! Юлдузчанинг ҳарорати ҳам ҳазилакам эмас - цельсийда нақд 12 минг даража холос!



БОЛТИҚ ДЕНГИЗИГА КЕЛИБ ҚОЛГАН ДЕЛЬФИН...

Латвиянинг Лиспан шаҳри яқинида денгиз соҳилга дельфин ўлигини чиқариб ташлагани маълум бўлди.


Маълумки, бу жонивор Болтиқ денгизда яшамайди. Бу ҳодиса биринчи марта бўлаётгани йўқ. Сўнгги 7-8 йил ичида латвияликлар қирғоқда жонсиз дельфини бир неча марта учратишди. Бироқ шу чоққача мутахассислар бу ақлли жонивор Болтиқ денгизига қаердан ва қандай келиб қолганини аниқлай олмаганди. Яқинда бўлган ҳодисадан шундай хулосага келдилар: бу яқинда Клайпедада ўтказилган халқаро ҳарбий ўқув-машқда қатнашган, америкаликлар ўргатган сапёр-дельфин бўлса керак.

Бироқ мутахассисларнинг бу тахминини олимлар рад этишмоқда. Чунки мина топишга ўргатилган битта дельфиннинг баҳоси ўртача бир миллион доллар туради. Америкаликлар шундай қимматбаҳо "ҳарбий куч"ини ўлим домига юбормаса керак.

Яна, ким билади дейсиз.



САККИЗ ЯШАРЛИК ПАРАШЮТЧИ



Россияда энг ёш парашютчи рўйхатга олинди. Саккиз яшарлик Диана Рибочкина эндигина 2-синфда ўқийди. У яқинда иккинчи марта 2500 метр баландликдан отаси билан бирга парашютдан сакраб ерга кўнди.

Диана ерга кўниши биланоқ унга 3-разрядли спортчи гувоҳномаси берилди.

Қизча бундан 2 йил аввал дадасидан уни осмонга олиб чиқишини илтимос қилди. Бу "эркалик"ка Диананинг онаси кўнмади. Бироқ, саёҳатларга ишқибоз Михаил Рибочкин қизалогини осмонларда сайр этиш орзусини қўллаб, уни ўзи билан бирга парашютга олиб чиққан эди...

Ҳар иккала парвоз чоғида ҳам ёш парашютчининг онаси уйда юрагини ҳовучлаб ўтирди. Учиш-кўниш майдончасига боришга унинг оналик қалби дов бермади.

Парвоз ёқиб қолган Диана спорт билан жиддий шуғулланишга аҳд қилган. Бироқ у 17 ёшга тўлгандан сўнггина мустақил парвозга рухсат ола олади. Спорт қондаси шундай.

ТАМҒАСИДА АЙИҚ ТАСВИРИ БОР ШАҲАРЛАР

Россияда айиқни ҳайвонлар подшоси деб билишади. "Ўрмон эгаси"нинг тасвири эса ўнлаб шаҳарлар тамғаларида ҳам бор. Хатто у 1980 йили Москвада бўлиб ўтган жаҳон олимпиадасининг рамзий белгиси ҳам бўлди. Бу маймоқ оёқ ҳайвонга бунчалик эҳтиром қачондан бошланганини биласизми?

Князь Ярославл Ростов шаҳрига кетаётганида йўлда айиқ билан тўқнашиб қолади. Тўқнашади десак хато бўлади, улар дўстлашиб қоладилар. Бу кўнгилли учрашув князда айиқ тасвирини ўз ҳокимияти тамғасида акс эттириш фикрини уйғотади ва Ярославл гербида айиқнинг тасвири пайдо бўлади. Бу эҳтиром ҳозиргача заррача ҳам сўнмаган. Шу кунларда Хабаровск, Ожно-Сахалинск каби рус шаҳарлари тамғаларида бўртиб турибди.

Айиқполвон акси, шунингдек Берлин, Карачи, Пермь, Малоярослав, Сергач ва Новгород шаҳарлари тамғалари ва рамзий калитларида ҳам бор. Хатто Европадаги йирик мамлакатларнинг пойтахтлари номларининг луғавий маъноси "Берн" ва "Берлин" ҳам "айиқ" деган маънони англатади.

МАНГУ МАШЪАЛА



Тинч океанидаги денгизчилар учун жуда ишончли табиий бир машъала бор. Бу Жанубий Америка қирғоғидаги вулқондир. У кечасиу кундузи ловуллаб ёниб туради.

Бу қандай машъала - вулқон? У ҳақида нималарни биласиз? Ҳали унга ишингиз тушмаган бўлса эҳти-

мол. Ҳар қалай, билиб қўйсангиз зиён қилмайди. Балки... яқин йилларда жаҳон бўйлаб сафарга чиққанингизда сизга асқотиб қолар. Эҳтимол ўқишга, эҳтимол иш билан Америка тарафларга йўлингиз тушиб қолар...

Мазкур табиий машъала Салвадор мамлакатидеги Исалко вулқони бўлади.

Вулқоннинг баландлиги 1885 метр. У кашф этилганидан бери ўтган 200 йил давомида узлуксиз ёниб турибди. Ҳар 2-10 дақиқада унинг устида 300 метр узунлик (баландлик)да буг устуни, тошлар ва кул пайдо бўлади. Вулқон оғзида эса олов ловуллади. Ана шу олов шуъласи узоқлардан кўриниб туради.

этилган башоратида ёзилган рақамларни белгилаган экан. Бироқ голибнинг бунча кўплиги бир жиҳатдан "яхши бўлмади", чунки совринга қўйилган пул 2-3 кишига эмас, 62 тага бўлинадиган бўлди. Энди ҳар бир голиб "фақат" 142 минг (!) марка олади.



ҒАЛАТИ ҚОНУНИЯТ

Нил, Енисей, Лена ва Макензи дарёлари бўйлаб сайр қилмаган киши ҳам уларнинг чап қирғоқлари Тик эканини яхши билади. Парагвай, Волга, Ҳинди дарёларининг эса ўнг қирғоқлари тик эканинидан хабардор.

Бу қонуният нима билан боғлиқ?

Ушбу қонуният Ер айланиши ва дарё оқими билан боғлиқ.

Шимолий яримшардаги Меридиан йўналишига мос кутбдан экваторга томон оқувчи дарёлар ўнг қирғоғини ювиб оқади. Жанубий ярим шардаги дарёлар эса чап қирғоғини емиради. Чунки Ернинг ҳар кеча-кундузги айланиши дарёдаги сув ҳаракатига ҳам қисман таъсир этади.


Бу қонуниятни академик

М.Бэр кашф этган ва у Бэр қонуни деб аталади.

Айрим ҳолатларда бу қонун бузилиши ҳам мумкин. Хусусан, дарё қирғоғидаги қаттиқ жисм (қатлам)лар доимий шамол таъсирида ҳам емирилиб бориши мумкин.

Нил, Енисей, Лена, Макензи дарёлари каби дарёлар шимолий ярим шарда экватордан (полюс)га томон оқади, шунга биноан уларнинг чап қирғоқлари тик. Волга эса меридиан йўналишида оқади, шунинг учун унинг ўнг қирғоғи тик, яъни емирилган.

Жанубий яримшардаги Уругвай ва Парагвай дарёлари экватордан кутбга томон оқади, унинг ўнг қирғоғи тиклигининг сабаби шунда.



ТУНДРАЛИКЛАРНИНГ ТАБИАТГА ЭЪТИҚОДИ

Шимолдаги улкан худудларда оз сонли аҳоли яшайди. Уларнинг ҳаётлари табиат билан уйғунлашиб кетган. Табиатнинг ўзи уларни боқади, асрайди. Улар эса табиатни ҳурмат қилади, эъзозлайди. Бу қадар аҳиллик, уйғунликнинг сир-асрорлари бўлмай иложи йўқ.

Мана, нанай халқи орасида қатъий ҳукмга айланиб кетган мақоллардан айримлари:

● Ҳайвонларни, жониворларни, ҳашоратларни қийнама - ўзингга қаттиқ қийноқ орттирасан.

● Ерга тош, дарёга, қудуққа қор иргитма - сувости жониворларини кўр қиласан, бу ўзинг кўр бўлдинг дегани.

● Нишонни кўрмай туриб ўқ узма - ўқинг ўзингни ёки бирор кишини кўр қилиб қўйиши мумкин.

● Ерга бекордан темир буюмлар санчма - унинг юраги оғрийди, бу оғриқ албатта, сенинг юрагингга қайтиши аниқ.



ХУДДИ БАШОРАТДАГИДАЙ...

Рақамли лоторея тарихида биринчи марта Германияда 62 киши (!) олтала катакда яширинган сонларни тўғри топган.

Одатда бундай лоторея ўйинларида (масалан, спортлото) 6 катакни тўғри тўлдириш бахти 2-3 кишига насиб этарди, холос.

Ниятга оммавий етиш борасидаги бундай "рекорд" натижанинг сирини мадада, дерсиз. Маълум бўлишича, ҳамма топқирлар австриялик башоратчининг немис тилида кашф



ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ


Гуфининг математик кроссвордини айланалардаги рақамлар ёрдамида ечишга ҳаракат қилинг.

1 2 3 4 5 6


	-		+	=	7
*		*		*	
2	+		-	3	= 0
-		+		-	
	+	4	-	=	1
# 5		# 6		# 9	

Билли, Вилли, Дилли қўлларидаги қоғозни тўртта тенг бўлақларга бўлмоқчи эдилар. Улар беш хил турли шакл ёрдамида мақсадларига эришдилар. Сизлар-чи?

“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА
 МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
 700029,
 Тошкент шаҳри,
 Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона
 Мулоқот учун телефон:
 (371) 139-49-32,
 139-16-19.



“Пайқадингизми, кубикларнинг бирида рақамлар нотўғри кўрсатилган?”
 Дилли қайси кубикни назарда тутаяпти?
 Барча кубикларнинг орқа томонларида қайси рақамлар яширинган?
 “Кузатинг! Рассом яна бир хатого йўл кўйган!”
 Вилли қандай хатони топди?



Тасвирдаги бешта хатони ва иккита бир хилда чизилган сигир суратини топинг.

Тасвирда нечта қоғоз қайиқча мавжуд?
 “Мен уларни 30 сонияда санаб чиқаман!”-мақтанмоқда Билли. Сиз ундан тезроқ санай оласизми? Яна бир вазифа: бешта бир хилдаги қайиқчани ҳам топинг.

Микки конструкцияни турли томонларига қараб олти хил чизма чизди. Иккита чизмасида йўл кўйган хатосини топишга ҳаракат қилинг.

«БАҚИРОҚ»НИНГ НАЙРАНГИ

Бу воқеа руй берганига анча йиллар булиб қолди. Адашмасам, 86-йиллар эди. Буни менга овулимизда яшовчи Ермеқбой оға айтиб берган эдилар. Мана, сиз ҳам эшитинг:

— Отам Қизилқумнинг бир чеккасида куй боқардилар. Уша пайтда овулларимизнинг оралиғи камида 30-35 километр узокликда буларди. Кунлардан бир кун қушни овулдагилар бизни меҳмонга чақириб қолишди. Уларнинг раъйини қайтармаслик учун рози бўлдим. Биз овулдан чиққаннимизда қуёш уфққа бош қуяётган эди. Чақирилган жойга соат 11 ларда кириб бордик. Меҳмондорчиликни жойига қуйиб, улар билан хайрлашгач, тунги соат 3 ларда йулга чиқдик. Мен отда отамнинг орқасидан маҳкам тутиб олиб, гоҳ ухлаб, гоҳ уйғониб келаяпман. Биз саксовулзорга яқинлашганимизда, алланиманинг бақирган товуши эшитилиб қолди.

Бола эмасманми, қурққаннимдан отамнинг белларини янада маҳкамроқ ушлаб олдим. Шунда биз билан бирга борган йигитлар — Бу «бақироқ»нинг овози-ку, анчадан бери эшитмагандик, қардан келиб қолдйкан, — дейишди.

Куйчивон йигитлар доворакмасми, дарров саксовулзорга от солишди. Отлар эса саксовулзорга яқинлашмасдан ҳуркиб қочардилар. Ниҳоят, йигитлар ҳалиги жонзотни тутиб олишди. Ой тулишган маҳал эди. Аниқ курдим, ушлаган нарсалари жунсиз, худди янги тугилган чақалоққа ухшарди.

Отлар ундан ҳуркишиб, бизни устларидан отиб юборгудек булиб кишнашарди. Жонзотни ҳуржунга солиб, йулга тушдик. Бир амаллаб овулга етиб бордик. Шу пайт йигитларнинг — Вой, «бақироқ» тушиб қолибди-ку, деган ваҳимали гапларини эшитдик. Бориб қарасак, ҳалиги нарса ростдана ҳуржунда йук, ҳуржун эса катта йиртилган эди...

Отамдан: — Аслида у нима эди, — деб сураганимда, улар менга: — Бақироқ — алвастининг боласи, У тунда шундай овоз чиқаргани учун у жонзотга шундай ном беришган, — деган эдилар...

ЎРИЛГАН ЁЛЛАР

Бу воқеани менга бир фермер уртоғим айтиб берган эди.

— Мен курага 3-4 та от боғлаб қуяр эдим. Ҳар сафар эрталаб кургани борганимда, отларим худди терга чўмилгандек ҳансираб турар, улар

нинг ёллари эса худди қизларнинг сочлари каби урилиб қолган булар эди. Бунга ҳайрон булиб, бир кунни кунни курган чолларнинг олдиларига маслаҳатга бордим. Уларга булган воқеани айтиб берганимда, улар:

— Бу алвастиларнинг иши. Улар тун ярмида келиб, отларнинг тинчини бузадилар. Улар отларни қозиқлари буйлаб айлантриб чоптирадилар. Ёллари ҳам ушалар уриб кетишади, — деган эдилар.

Мен бу сирли воқеаларни узлари гувоҳ булган одамлардан эшитдим. Алвастилар ахлат тукиладиган жойларда, тунда одамлар кам утадиган жойларда, кўприк остиларида базм қилишлари ҳам ҳаммага маълум. Агар инсон шундай жойларга дуч келиб қолса, калима келтириши кел-



тутмоқчи булибдилар. Унга яқинроқ бориб, ушласалар, эшак ҳам индамай уларга яқинлашибди. Шунда бобом унга миниб олибдилар-да, йулга тушибдилар. Эшакни кургач, негадир калима ҳам эсларидан чиқиб қолибди. Бобом анча йулни босиб утгач, уз-узидан тинкалари қурий бошлабди. Пиёда юрганимда бун-

чалиб кетиши мумкинлигини айтишган. Барибир, йул қурилишига ҳалақит берганлиги учун ёнғокни кесиб ташлашган. Орадан йиллар утган. Мана ҳозир ҳам машиналар уша ердан утади. Лекин энг куп ҳалокат юз берадиган жой уша жой булиб қолган...

**Жавоҳир ЭРГАШЕВ,
Юқори Чирчиқ тумани
10-мактаб ўқувчиси.**

ЖИНЛАР ТЕПАЛИГИ

Бизнинг қишлоғимизда бир тепалик бор. Буви-боболаримиз, ойижонларимиз

қсадан хабар топган қишлоқ оқсоқоли Жалолиддиннинг отасига бу ердан кучиш кераклигини айтибди. Лекин унинг отаси унамабди. Туй кунни яқинлашган сари одамларнинг ваҳималари ортаверибди. Туй арафасида Жалолиддиннинг дўстлари келишибди. Улар меҳмон булишибди. Шунда унинг дўстларидан бири шу тепаликни пойламаймизми, — дебди. Ширакайф йигитлар тунда уша тепаликка йул олишибди. Чуқурчанинг атрофини ураб олишиб, суҳбатлашиб утиришибди. Тун ярмидан оққанда чуқурчадан йиги товуши эшитилибди. Шунда ҳалиги йигит чуқурчага тушмоқчи булибди. Бунга дўстлари қаршилиқ курсатишибди. Лекин у — бу ерда нима

борлигини сизларга айтаман, дебди-да, чуқурчага шунгибди. Орадан ҳеч қанча вақт утмай, йигитнинг: — Дод, ёрдам беринглар, — деган овози эшитилибди. Йигитларнинг юраги бетламай, қоча бошлашибди. Шунда

йигит Жалолиддиннинг исмини айтиб ёрдам сурабди. Жалолиддин чидаб туролмай, чуқурга тушибди. Шу пайт чуқурдан аланга кўтарилибди. Қолган йигитлар жон ҳолатда қочиб қутулишибди. Қишлоққа югуриб келишгач, булган воқеани Жалолиддиннинг отасига айтиб беришибди. Бутун қишлоқ оёққа турибди. Улар тепалик ёнига келиб қарашса, аланга учган, қандайдир кийим парчаларига ухшаш нарсалар атрофда учиб юрган экан. Буни курган ота ақлдан озай дебди. Лекин бу сир-синоатни ҳеч ким тагига етмабди. Орадан анча вақт утгач, одамлар бу чуқурчани кўмиб ташлашибди. Лекин ярим кечада келадиган йиги овози ҳали ҳам тинмас эмиш...

Бу ваҳимали воқеани эшитганимиздан сўнг, биз ҳам уша тепаликка умуман яқинлашмайдиган бўлдик.

**Нуриддин ЖАМОЛОВ,
Бухоро вилояти
Ғиждувон тумани 4-ўрта
мактаб ўқувчиси.**



рак экан.

Жабборберган ШОМУРОДОВ Қорақалпоғистон Республикаси БЕХОСИЯТ ЁНҒОҚ

Мен бобожонимдан турли эртақлар, афсоналар эшитишни жуда ҳам яхши кураман. Бир кунни бобожоним менга галати бир воқеани сузлаб бердилар.

Кунлардан бир кун бобожоним узо-оқ бир қишлоққа отланибдилар. Уша пайтларда транспорт йук, одамлар гоҳида пиёда, от-улови борлари отларда юришаркан.

Улар қуёш ботганда йулга чиқибдилар. Йул олис, бунинг устига вақт ҳам алламаҳал булиб қолган экан. Улар сой буйлаб кетаётганларида, бир катта ёнғок учрабди. Ёнғокнинг тагидан калима келтириб утмоқчи булиб турганларида бир эшакка кўзлари тушибди. Бобом шу эшакни миниб манзилимга етиб олсам, кейин эшакни яна қуйиб юборардим, — деб эшакни

чалик ҳоримаган эдим, менга нима булди ўзи, деб бир оғиз калима келтирибдилар. Шунда бирдан миниб келаятган эшаклари ғойиб булиб қолибди. Бобом ён-атрофларига қарасалар, ҳеч ким йук эмиш. Ҳалиги узокдан қуриб турган ёнғокнинг тагида эса гулхан ёниб турганмиш. Бобомлар қурқиб кетганларидан кучларининг борича югурибдилар. Қишлоқдаги уйларига етиб келгач, булган воқеани ойиларига айтиб берибдилар. Шунда ойилари: — Ҳайрият, калима келтирибсан, болам, агар ёдингдан чиқиб кетган булганида, ёмон булар эди, — дебдилар. Шундан кейин бобом кундуз кунни ҳам, кеч булганда ҳам шу ёнғокнинг ёнидан утаётганида калима келтириб утадиган булибдилар.

Орадан анча вақт утгач, уша ёнғок усган жойдан катта йул тушадиган булибди. Одамлар бу ёнғокни кесиб ташламоқчи булишибди. Лекин баъзилари бу ёнғокнинг беҳосият эканлигини, ким кесадиган булса, уни жинлар

уйнаганимизда шу тепаликка бормаслигимизни тайинлар эдилар. Бир кунни бунинг сабабини ойимдан сурадим. Шунда ойимлар: — Биз унда кичкина қизча эдик. Маҳалламизда бир йигит бор эди, дедилар. У йигитнинг исми Жалолиддин булиб, жуда куркам, чиройли йигит эди. Уни қушни қишлоқда яшовчи Зилола исмли қизга унашишган, яқин орада туй булиши керак эди. Бу тепалик ҳақида уша вақтдаёқ ҳар хил мишмишлар юрар эди. Айтишларига қараганда, шу тепаликнинг орқа томонида чуқурча булиб, тун ярмидан оққанда, шу чуқурчанинг ичидан йиги товуши эшитилар экан. Кейин у ердан аланга чиқиб, яқин булган нарсани жизгина қиларкан. Уша тепалик Жалолиддинларнинг уйларига яқин жойда жойлашган экан. Бир кунни Жалолиддин пичан уриб, уни уша ерга босиб қуйибди. Эртасига туриб қарашса, пичандан номнишон йук, унинг урнида култепа турганмиш. Бу во-

Яқинда «Киночилар уйи» да «Отамдан қолган далалар» номли янги фильм намоиш қилинди. Шу кунни бу ерга фильмни кўришга келганлар орасида ёшлар ҳам жуда кўп эди. Фильм тутагач, мен мана шу ёшлар фикрини билиш мақсадида уларни суҳбатга тортдим:

— Менга бу кино жуда ёқди,— деб гап бошлади улардан бири узини Моҳира Абдуллаева деб таништирган 14 ёшлар чамасидаги қиз.


Аввалига дадам кинога олиб бораман деганларида «индийский» кино эмас

«ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР»

экан деб, келгим келмади. Очиғи ака-укаларим Ҳикматилла ва Иззатилланинг қистовидан базўр кўнгандим. Энди эса кинога келганимдан жуда хурсандман. Утмишни очиқ-ойдин, бўямасдан кўрсатишибди. Ота-оналар ва фарзандларнинг узаро муомаласида очилган ўзбекчиликнинг барча қирраларида яшашга интилиш, бировга яхшиликни соғиниш бор.

— Менинг 96 га қирган

бобом бор, — дея суҳбатни давом эттирди Гулноза Мақсудова. — Бобом бизга ут-



Эгизаклар мактабдан келди

миш воқсаларидан кўп сузлаб берадилар. Кинони кўрар эканман худди бобомнинг ҳикояларини жонли тасвирда кўргандек бўлдим. Қатағон йилларининг қўрбонлари ва жабрдийдалари орасида бобомнинг оталари ҳам бўлган экан. У киши хотин ва болаларини мажбур бўлиб Тошкентга ташлаб узлари Маккаи Мукаррамага

утиб кетган эканлар. У ерда улар илмлари ва уткир зеҳнлари билан одамлар орасида катта ҳурмат қозониб бадавлат бўлиб яшасалар-да, хотин ва болаларидан айрилганидан куйиб, уша ерда вафот этиб кетган эканлар. Хуллас, менга ҳам бу кино жуда-жуда ёқди. Мен бутун бу ерга холаларим билан бирга келганман. Келаси сафар бобомни ҳам шу фильмни кўришга олиб келаман. Албатта, бобом кинони кўриб мазза қилсалар керак.

Муҳаббат
МАҚСУДОВА



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга



СЕШАНБА,
15 сентябрь
Ўз. ТВ-1

11.25 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси.
13.35 Шоирлар болаларга.
20.05 Оқшом эртаклари

Ўз. ТВ-2

18.05 Мульттомоша.
18.20 Аралаш-қуралаш.

Ўз. ТВ-3

18.05 Болалар учун «Энди эртак бошланади».

Ўз. ТВ-4

16.50 «Мультсайёра».

ЧОРШАНБА,
16 сентябрь

Ўз. ТВ-1

11.15 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси.
12.25 Кундузги сеанс. «Кулол ва хумча». Бадий фильм.

19.05 Таълим-тарбия миллий дастури — амалда.

20.05 Оқшом эртаклари.

Ўз. ТВ-2

18.05 «Мульттомоша».

Ўз. ТВ-3

18.05 «Алдар куса» Мультфильм.

Ўз. ТВ-4

16.50 «Мультсайёра».

ПАЙШАНБА,
17 сентябрь

Ўз. ТВ-1

11.05 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси.
12.05 Кундузги сеанс. «Учувчининг парвози». Бадий фильм.

13.30 «Эртақлар яхшиликка етаклар».

20.10 Оқшом эртаклари.

Ўз. ТВ-2

18.05 «Мульттомоша».

Ўз. ТВ-3

18.05 «Ерилтош». Мультфильм.

Ўз. ТВ-4

16.50 «Мультсайёра».

Ўз. ТВ-1

ЖУМА,

МАВЖУДА ШЕЪР ЁЗАДИ

Яқинда Денов туманидаги 72-мактабда «Мушоира» кечаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги кўплаб мактаблардан шеърятнинг сирла оламига интилган ўқувчилар иштирок этдилар. Шеърят ихлосмандларини, айниқса, Мавжуда Жураеванинг шеърлари мафтун этди:

...Тизгинсиз ҳаёдан

тулпорлар ясаб,

Нурли келажакнинг

бағрин чоғладим.

Гоҳ Анбар, гоҳида

Нодира бўлиб

Бутун ҳаётимни

шеърга боғладим.

Мавжуда тумандаги 72-мактабнинг 11 синфида ўқийди.

— Мен шеърят саройига ички бир туйғу, катта қизиқиш билан қадам қўйдим,

— дейдим у.

— Ойдин Ҳожиева, Турсуной Содиқова каби шоирларнинг шеърлари мафтуниман. Мени шеърятнинг ранго-ранг оламига етаклаган устозим шоир Насруллодан ҳам жуда миннатдорман.

Урмимни юртимга фидо

этсам-у,

Розийдим элим деб,

юртим деб ўлсам,

Ягона тилагим шул эрур

фақат,

Барча ҳавас қилган

шоира бўлсам...

— Мавжуданинг барча ҳавас қиладиган шоира бўлишига ишонаман, — дейди тумандаги «Чағаниён» газетасининг бош муҳаррири Зойир Мамажонов, — унинг шеърларида теран фикр, фал-

сафий мушоҳадаларлар бор уз аксини топган.

«Мушоира» ниҳоясида ёш ижодкорларга тумандаги «Прогресс» фирмаси ҳозирлари Омад тилаб, қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Ва ёш шоиранинг шеърлари жамланган китобни нашр эттиришда хомийликни уз зиммасига олди.

Шеърингни ёзавер, Мавжуда! Гузал Ватан, қадрдон ёр биродарларинг, олий мақсадларинг шеърларингда намоён булаверсин. Уни чоп эттириш, китоб қилиш ҳақида эса, қара қайгурувчи гузал замонанг, мустақил диёрнинг имкониятлари бор!

Дилрабо Давлатова.

18 сентябрь
Ўз. ТВ-1

10.20 «Компьютер сабоқлари».

11.00 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси.

12.05 «Маҳмадона» мультфильм.

20.10 Оқшом эртаклари.

Ўз. ТВ-2

10.05 «Мульттомоша».

18.20 «Умид чечаклари».

Ўз. ТВ-3

18.05 Мультконцерт.

18.25 «Зумраша» ҳажвий киножурнал.

Ўз. ТВ-4

16.50 «Мультсайёра».

ШАНБА,
19 сентябрь

Ўз. ТВ-1

10.00 «Шумтакалар». Мультфильм премьераси.

10.35 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.

19.50 Оқшом эртаклари.

Ўз. ТВ-2


18.05 «Мульттомоша».

18.20 Боланинг тили.

Ўз. ТВ-3

8.00 Мультфильм.

11.50 «Болалар экранни».



18.05 Мультфильм.

18.25 «Аралаш» ҳажвий киножурнал.

Ўз. ТВ-4

9.05 Икки карра, икки турт.

18.50 Жонли сайёра.

ЯКШАНБА,
20 сентябрь

Ўз. ТВ-1

8.25 «Камалак» болалар учун кинодастур.

9.50 «Сеними шопмай тур!».

Мультфильм.

18.00 «Ҳа-ҳа-ҳа». Ҳазил, ҳажвия, хангома.

Ўз. ТВ-2

9.00 Буш утирма.

9.20 Рақслар қанотида.

9.40 Эртақлар олами.

10.15 Болалар экранни.

14.35 Цирк, цирк, цирк.

18.05 «Мульттомоша».

Ўз. ТВ-3

8.00 Мультфильм.

11.45 Болалар экранни.

17.20 «Сен учун ва сен билан».

18.05 «Мультжумбоқ».


«O'YLA, IZLA, TOP» NI TOPDIK

O'zbekiston televideniya-sida bir — biridan qiziqarli ko'rsatuvlar namoyish etilayotganligi biz o'quvchilarni mamnun qilmoqda. Musobaqa tarzidagi ko'rsatuvlarni maroq bilan ko'rmaydigan bola bo'lmasa kerak. «O'yla, izla, top», «Mahallamiz bolalari», «Katta tanaffus», «Oltin toj» kabi telemusobaqalarning kun sayin ko'payib, takomillashib borayotganligi barchani quvontirmoqda.

Biz «O'yla, izla, top» telemusobaqasini alohida e'tibor bilan tomosha qilamiz. Bu ko'rsatuv boshqalaridan ko'p jihatlari bilan ajralib turadi. Unda qatnashayotgan o'quvchilarning bilimi, dunyoqarashi va so'zga chechanligiga qoyil qolamiz. Ayniqsa ko'rsatuvda berilayotgan savollar va javoblardan juda katta ma'naviy oziq olamiz. Biz mazkur ko'rsatuvdan ruhlanib maktabimizda «O'yla, izla, top» klubini tashkil qildik. Niyatimiz qiziqarli kechalar, bellashuvlar uyushtirish orqali bilimimizni yanada o'rtingirish, dunyoqarashimizni shakllantirishdir.

Men ko'rsatuv ijodkorlariga o'zim va sinfdosh do'stlarim nomidan omadlar tilayman

Nodira Rahmonova
Farg'ona viloyati,
Buvayda tumani,
H. Olimjon nomidagi 5-
o'rta maktabning 8-sinf
o'quvchisi.



КУЁШ ХУДОСИНИНГ ИНЪОМИ

«Нон азиз, ушогИ ундан ҳам азиз», дейди халқимиз.

Уни қадим-қадимдан эъзозлаб келадилар. Бу хислат Туркистонда оташпарастлик дини ҳукмрон булган даврдан бошланган. Бундан ташқари нон — куёш худосининг рамзи ҳисобланган. Нонга қаранг, куёш нурининг бир текис таралишини кўргандек бўласиз. Осмонда куёш, ерда эса унинг олов парчаси...

Олов?! Биз ҳар куни неча мароталаб кўриб, билиб турган оловда не сирлар беркинган? Бобокалонларимизнинг оловга талпинганини узоқ тарих китобларидан ўқиганмиз, аммо қандай сирлар яширинганидан хабарингиз борми?

Оддий паловни олайлик:

ажаб эмас! Боболаримизнинг подонлигидан кулиш мумкин эмас, ўзингизни уларнинг ўрнига кўйиб кўринг.

Куёш чиқishi билан олам чарқайди, ўт-ўланлар шодланиб тебранади. Йиртқич ҳайвонлар беркинади. Табиат шодлангандек мадҳия ўқийди.

Каминанинг болалиги шаҳар томларида ўтган. Яйдоқ том, баҳор келиб куёш ўз нурини сочиши билан ҳеч нарса йўқ тупроқда ўт-ўланлар, чучмома ва лолалар ўсиб чиқади. Ўт тизза бўйи бўлганда устига ётиб кафтдек ерга қарасанг, минг хил ҳашарот ўрмаловчи, сакровчиларнинг ҳаракатига кўзингиз тушиб ақлингиз уларнинг бажарган юмушига бовар қилмайди. Ё худо, бунда не сирсиноат ва ҳикмат бор! Кимнинг қудрати ила бобокалонлар Куёшни кўрганлар ва уни танг-


ликлар ила улган мурдаларни куйдириш, «отасидан қолган чироқ»ни ёқиш — бу меросга эгаллик қилиш. Бу ва шунга ухшаш қонунлар ҳаётга кириб келган, қундалик муомаламизда учрайди ва одатга айланган.

Ердаги ҳосилни қандай булиши коинотдан ёғилдиган чангларга боғлиқ экан. Ерни ҳар йили чангдан «семириши»ни билсангиз керак.

Хуш, биз нега илмий назариялар билан уралашиб, мақсадни эсдан чиқараётимиз?

Боболаримиз табиат қонунларини кашф этиб, нега узлари унга амал қилмаганлар? Улар балки юқорироқ ва мураккаброқ оламни идрок қилганлар?

Назаримизда улар табиатни яратувчи осмонда, коинотда деб билганлар! Римликлар нариги оламни — дузахни ер



ҚАНЧА РАСАДХОНА БЎЛГАН?


Олимларнинг тахминича Жиззах шаҳри қадимий обидаларига осмондан қарасак, бир неча расадхоналарни бир тартибда жойланишини куришимиз мумкин. Расадхоналар ичидаги энг қадимийси булган Улутбек расадхонаси энди йўқ.

Умуман олганда, бу расад-

хона булган. Ой шаклидаги тошдан ишланган дарвозадай қурилган ва ундан сал нарида харсанг тошлар маълум масофада териб қуйилган.

Куёш нури тошларга тушгач, унга қараб йилнинг ойлари аниқланган. Асосийси — Наврузда жуда катта тантана булган. Йилнинг боши булгани боис, албатта.

Қариялар тошларга келиб тушган нурни ҳисоблаб, «Нав-



Ватан Қариятларининг Қашар ЭТ

Ёғ қизийди, пиёзни қовурасиз, оқ пиёз қизилга айланади. Ранг қаердан келди?!

Гўштни қовурасиз, жигар ранг тусга кирди. Сабзи босасиз, сув соласиз. Гуруч солиб «оёқ-қўлини» ёйгач дамлайсиз. Паловни сузиб ейишга шовилманг, пиёз қани? Сабзилар-чи? Нега оқ гуруч қизил рангда юмшайган?! Ошдаги тотли маза қаердан пайдо бўлди? Мана шулар оловнинг мўъжизаси! Қандай оламга келди, таърифлай оласизми? Кимёвий ёки физик ўзгаришларни исботлаб берасизми? Ўчоқдаги ўтин оловга айланиб қаерга кетди? Ахир уч бўлак ўтиндан бир қисм кул қолди-ку! Қолган оғирлик ва ҳажм қаерга йўқолди?

Оловнинг мўъжизаси ҳақида ёза бошласам зерикиб қолишингиз мумкин. Мақсадга ўтай. Олов инсоннинг қалбида. Инсон танасининг тўқсон фоизидан кўпини сув ташкил қилса-да, қолгани нима, танангизни ушланг, биласиз: у иссиқ, демак, олов ташкил қилар экан.

Шундай инсонлар борки, пешонасида туҳум пиширади!

Олов инсоннинг Рухи бўлса

ри сифатида қабул қилганлар? Аслида, чуқурроқ ўйлаб қарасак, табиатдаги ҳамма нозунематларни ҳам оламга келтирувчи куёш!

остида, мангу зимистонда деб фараз қилган булсалар, бобокалонларимиз уни ўзга бир коинотда деб билганлар.

«Авесто»даги қонунлар на-


хоналарда кимлар неларни кашф қилган ва қандай илм чуққиларига кутарилганлар? Қоинотни урганишга алоқадор қандай янгиликлар уша «маданий қатламда қолган? Хотираларда-чи? Ақл ила илғаб олиш мумкин-

руз»ни қай куни кириб келишини аниқлаганлар. Шунга қараб тайёргарлик қурилган. Қариялар дастурхон турида қур тукиб ултиришган. Сунг катта шодиёна бошланиб, турли мусобақалар утказилган. Эрақак ва йигитлар пойга уйнаб, човгон сурган булсалар, ёшлар кураш тушиб, камон отганлар. Энг қизиги, қизлар ила йигитлар кураш тушганлар. Қиз бола йигитнинг белидан қўлини утказиб бирлаштира, йигит маглуб ҳисобланган яъни кўпчилик уртасида кулгуга қолиб изза булган.

Бу расадхона жойлашган ерни «эски намозгоҳ» ҳам дейилган. А Қодирийнинг «Уттан кунлар»ини эсланг. Қатл ва жазолар шу майдонда утказилган. Шуро даврида ҳам қурғоқчилик йиллари одамлар худодан ёмғир сураб, ибодат қилганлар. Шунда қурбақаларни ушлаб дорга осгандек ипга тизиб қуйганларини кўрганмиз. Урушдан кейин бу қурилма бузиб юборилган.

(Давоми бор)

Акбар ЮНУСОВ



Оташпарастлардан жуда кўп қонун ва амаллар қолган. Рухни чақириб чироқ ёқиш, келин ва куёвларни гулхан атрофида айлантириш, «элас-элас» қилиб олов билан инс-жинсларни ҳайдаш, чирманда ва ноғораларни қиздириб олов худосининг қувватини олиш, юқумли касал-

фақат ер юзидаги табиат қонунлари билан оламни бир бутунлигини англашга ёрдам беради: ундан коинотни урганиш мумкин.

ТУРКИСТОН САРҲАДЛАРИДА

дир буни?

Туркистон сарҳадларида расадхоналар кўп. Аммо биз уларнинг ҳисобини аниқ билмаймиз. Тошкентда, эски шаҳарнинг Чорсу мавзеида бобомнинг айтишларича, соддагина расад-



Туркистон, Туркистон, муқаддас замин!

Був, эртақларинг

қумсадим сенинг
Менинг кўз ўнгимда
кунлар айланди.
Бугун болаликнинг
маъсум кўнглига
Менинг қирққа кирган
кўнглим бойланди.
Був, қайда қолди,
ҳаяжонларим,
Эшик ортидаги ажина
шамол?
Ҳар тун тушларимни
бузиб жилмаймиш,
Ва тошга айланмиш ой —
соҳибжамол.
Бугун гўдагимни
кўксимга босиб
Ўтган кунларимни

Оналар ёзади

маънос қумсайман.
Бувижон, зангори осуда
осмон
Остида орзусиз
қандай яшайман?
Був, эртақларинг
қўмсадим сенинг
Олис болаликнинг
даштида чопдим.
Ҳеч кимса йўқ эди
ўзимдан ўзга
Во дариг, ўзимни шу
дашдан топдим...

Муҳаббат АМАТАЕВА

Тулпорлар сасидан
уйғонди руҳим,
Яссавий ёдига юкиниб
келдим —
Туркистон, Туркистон
жоним парчаси,
Мен сенинг эканим
яхшироқ билдим.
Оллаёр ишқидан
титради дунё
Мана шу ишқ дея
булутдай куйдим.
Энди ўзинг қўлла
яратган худо,
Жоним аро юртнинг
дардини туйдим.

Туркистон, Туркистон
муаззам замин
Энди тавоф қилай
мозорларингни.
Бугун мен ҳам чекдим бу
жоним аро
Ўтмишида чеккан оҳ,
озорларингни.
Туркистон, яралдим
боболар ёди,
Буюк Яссавийнинг
ҳикматларидан.
Ахир қайтиб келдим
ўзингга юртим,
Кечибу дунёнинг
хилқатларидан...

Тасаввур қилинг, сизнинг уйингизга олис Корея ёки Амриқолик тенгдош дўстларингиз келишди. Сиз уларга биринчи булиб нималарни курсатган булардингиз? Нималар ҳақида гапириб берардингиз?

Албатта, меҳмон дўстларингизга уйингизни, китоб, уйинчоқларингизни, шаҳарингизнинг чиройли боғларини курсатасиз. Анҳор ёки бассейнга чумилгани обора-сиз, ўзингизнинг дўстларингиз билан таништирасиз. Лекин эски бир қишлоқни курсатгани олиб бормасангиз керак, шундайми?

Кореянинг Инчон шаҳрида «Корея қишлоқчаси» деган боғ-музей бор экан. Ҳа, «боғ-музей»! Бунақасини олдин ҳам эшитганмисиз?

Бу ерда бутун бошли бир эски қишлоқни унинг кучалари, уйлари экин-тикинлари билан сақланган сайроғоқ боғ барпо қилинган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу қа-

димий қишлоқнинг аҳолиси ҳам сақланган. Қандай қи-

либ дейсизми? Боғ-музей хо-

димлари эрта саҳардан миллий қишлоқ аҳолиси кийимларини кийиб, қишлоқча буйлаб ўз ишлари билан банд буладилар. Бу ерга келган одам худди қадимги корейс қишлоғига «сеҳрли қалпоқча» кийиб кириб қолгандай булади. Боғнинг бир чеккасида ҳар куни бир марта корейсча туй, миллий спорт уйинлари ўтказилади. Боғ-музеи ёмғир шивалаб ёғиб турган пайтда ҳам одамлар билан гавжум буларкан. Бу

ерда сиз қадимий тегирмон, кулолчилик устахонаси, те-

мирчилар дўкони, арвоҳлар

сўқмоғи, фолбин хотин қароргоҳи, қишлоқнинг бозорчаси, сув тортадиган қудуғига ҳамма нарсани куришингиз мумкин.

«Биздаям шунақа боғ-музей булса меҳмон дўстларимни олиб борардим» демоқчимисиз. Яшанг, лекин уртоқларингиз у ердан менга ухшаб ажойиб таассуротлар би-

лан қайтишлари учун уларга билимдон йўлбошловчи ҳам бўла оласизми? Улар сизни ниҳоясиз саволларга кумиб ташлайдилар. Уялиб қолмайсизми? Узингизнинг шаҳарингиз, қишлоғингизни, оилангизда ҳар куни риюя қилинадиган одатларингизнинг мазмун-у моҳиятини биласизми?

Билмасангиз, бугундан бошлаб қизиқиб куриг. Бунда сизга ота-онангиз, ака-опа-

ларингиз ва бувижонларингиз жон деб ёрдам берадилар деб уйлайман.

Қалай, жажжи дўстларим эртақларим сизларга ёқяптими? Агар сизни олис Корея диёри, унинг табиати, урф-одатлари ёки корейс тенгдошларингиз ҳаёти тугрисида бирон нима қизиқтирса, ёзиб юборинг. Севимли газетангиз «Тонг юлдузи» саҳифалари орқали янаям қизиқарли эртақлар айтиб бераман.

Ҳозирча эса АНЙОН ХАСЕЙО, КАМСА ХАМИДА! (Куришгунча хайр, раҳмат!)
Наргиза ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
стипендиати.

ҚАДИМИЙ ҚИШЛОҚЧА САЁҲАТ

Бешинчи эртақ

안녕하세요

우즈베키스탄


БЎШ ЎТИРМА — БОШ ҚОТИР!

Азиз ўқувчилар!

Шакл айланаларидан бош ҳарфни топиб, кетма — кет ўқинг. Ундан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг Она Ватанимизни мадҳ этган шеърдан икки мисра аён булади.

Нукта билан белгиланган айланалардаги ҳарфларни маълум тартибда ўқиш билан ушбу мисралар қайси шеърга мансуб эканлигини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ



ҳам қушиқларини, аниқроғи қушиқ булган шеърларини осонгина ёдлаб айтиб юрадиганим Муҳаммад Юсуфнинг ҳам суратини босишибди. Айтувдим-а бунча осон, бунча оддий ёзади Муҳаммад ака, деб! Тугри айтган эканман. Узлари ёш булсаларда, қаранг, халқ шоири булибдилар! Халқ шоири булиш учун ҳалқона ёзиш керак-Ёшига эмас, ишига қараб халқ кутараверади! Бу ҳам мустақиллик шарофатиданмикин-а, ё?...
Айтгандай, мустақиллик те-

нгдоши Давронбекка ҳам ҳавас килдим. Саа-л олдинроқ тугилиб қуйибмиз-да. Булма-са бизнинг ҳам суратимиз чиқармиди?

Хуллас, қолганларини ўзингиз «Афанди»ни сотиб олиб ўқинг. Фақат латифалар, ҳангомалар билан таништирадиган бу газетани бобо журнал Муштум чиқараётган экан. Муштумнинг Афандиси уйимизга тез-тез ва тезроқ келиб турсин.

Алишер Бақоев,
Ғиждувондаги
Алишер Навоий номи
мактаб ўқувчиси.

АФАНДИНИНГ ЎЗИ КЕЛАДИ

— Яхши кулган одам — яхши одам, — деган экан бир донишманд. Мен яхши кулиш учун яхшилиқлар қидираман. Айниқса, Ўзбекистон телевидениесининг «Бари ҳазил», «Ҳа-ҳа-ҳа», «Хандалар дўкони», «Мутойиба» каби курсатувларини қолдирмай кураман. Мен севиб томоша қиладиган курсатувлар ёнига «Ҳамма куриши шарт... эмас» ҳам қушилиб жуда соз булди-да, деб хурсанд юрган кунларимда дадамлар сенга Афанди» олиб келдим дедилар юрагимни қизитиб.

— Қайси Афандини олиб келдингиз? — деб сўрасам, «Афандининг ҳам бир нечтаси борми? Оббо сен-ей, ҳабардор экансан-да — деб олдимга «Афанди» деган газетани ташладилар.

Насриддин афанди бошқа Жойда эмас, айни Бухорои Шарифда туғилгани бежиз эмас.

Ислом Каримов, деб ёзиб қуйилибди газетанинг биринчи бетига. Бундан ўзим ҳам бухоролик булганимдан яна-да севишиб кетдим.

Шунинг учун экан-да, кулиш, кулдириш машқини олиб юрганам, деб ич-ичимдан гурурланиб ҳам қуйдим. Дадамга бир суз демай, била-

ғонлигимни курсатиш учун «Афанди» газетаси билан суҳбатга киришдим. Мана яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони булган халқ шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Дунё» деган шеъри:

*Бир кимса умрининг
сўнгига қадар
Йиғди молу дунё,
йиғди сийму зар...*

Айтайлик телевизорда икки гижжакчи бир куйди чалаяпти. Аммо Абдухошим аканинг гижжак ўқлоғи ёнидагисиникидан икки — уч барабар кўп бориб, ҳамирини, йўғ-ей куйини оламга ёяди. Ана шу Абдухошим ака латифачи ҳам эканлар!

Эркин Воҳидов — шоир, Аммо



*... Уюм тупроқ бўлди
қувончи, гами,
Кимдир боқиб деди,
шунга шунчани?...*

Бастакор Абдухошим Исмоиловнинг гижжак чалишига «беш» кетганман. Ишонмасангиз ўзингиз кўринг.

*«Яъни эркакларнинг ишини
қилиб,
мазза қилиб шахмат
суришим керак»*

деб шеър ёзибдилар!
Газетада Ҳожибой Тожибоевнинг сурати чиқибди. Айтган ҳангомалари ҳам! Мен

ТОНГ ЮЛДУЗИ.

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ,
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ИҶЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУ-
РАИМОВ, Инқилоб ЮСУПОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Миршохид МИРҲАМИДОВ,
Иноят АБДУСОАТОВА, Фе-
руза ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:

Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Булортма — Г -0327. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи Озода ТУРСУНБОВА

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Топкенг шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21